

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ

“ЎРТА ОСИЁ АРХЕОЛОГИЯСИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Р. Сулейманов, ЎзМУ Археология кафедрасининг
профессори
Ш.Шоназаров ЎзМУ Археология кафедрасининг
катта ўқитувчиси.

Такризчилар: А. Сагдуллаев, ЎзМУ Археология кафедрасининг
академики
Ф. Очилдиев, ЎзМУ Археология кафедрасининг
доценти

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	14
III. НАЗАРИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ	17
IV. АМАЛИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	63
V. ГЛОССАРИЙ	103
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	120

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: “Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари” фани тўғрисида тингловчига замонавий босқичга оид чуқур тарихий билимлар, янги илмий қарашлар ва назариялар ҳақида ахборот бериш, шунингдек, Ўрта Осиёда антропогенез жараёни масаласи, археологик даврларнинг турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, хўжалик иқтисодий асослари, маънавий кечинмалари, маданий алоқаси ва маданиятлар генезиси масалаларини ўрганишдаги замонавий илмий босқичи, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида археология соҳасида хориж билан илмий ҳамкорлиги натижада эришилган ютуқлар доирасида тингловчилар билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари: Тингловчиларга “Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари” масалалари бўйича илғор таълим инновациялар, концептуал замонавий муаммолар ва ёндашувлар асослари тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш; Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммоларини ўрганишда информацион технологияларнинг тарих фанида тутган ўрни, аҳамияти ва ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги билимларни бойитиш; юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш маҳоратни ошириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўрта Осиёда антропогенез жараёни масаласини;
- замонавий илмий назарияларни;
- янги тадқиқотлар ва хронология масалаларини;
- Ўрта Осиё илк темир даври асосий ёдгорликларини;
- Ўрта Осиёнинг антик даври археологик ёдгорликларини таснифини;

- Ўрта Осиёнинг илк ва ўрта аср даври археологиясини ўрганишнинг асосий масалаларини;
- Ўрта Осиё археологиясинининг долзарб муаммоларини;
- Ўрта Осиё археологияси соҳасида эришилган янги ютуқларни
- Ўрта Осиё археологиясидаги муаммолар, жаҳон цивилизацияси тарихи, жамият ривожидида инсон тараққиёти концепцияси бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этишни **билиши** керак.
- инсон ва экология ривожланишининг табиий шарт шароитларининг амалий аҳамиятини англаш;
- Ўрта Осиё археологиясини ўрганишнинг замонавий босқичини амалиётда очиб бериш;
- илк палеолит даври маконларидан (Селенгур, Кулдара, Кўлбулоқ, Обирахмат ва бошқалар) топилган ибтидоий одам суяклари ва уларнинг антропогонез жараёнида тутган ўрнини таҳлил қилиш;
- замонавий археология фанлари ютуқларини таҳлил қилиш;
- археология фанлари соҳасида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- электрон базалардаги археологик ёдгорликлар жойлашган ҳудуд хариталарини қайта ишлаш
- Ўрта Осиё археологиясидаги муаммолар, жаҳон цивилизацияси тарихи, жамият ривожидида инсон тараққиёти концепцияси фанларининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- Ўрта Осиё археологиясини ўрганишнинг замонавий босқичи илмий-амалий аҳамиятини англаш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- мезолит даври моддий маданият ва хўжалик соҳаларидаги ўзгаришларни бугунги кун ютуқлари билан таққослаш ва таҳлил қилиш;
- ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;
- ижтимоий фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш;
- Ўрта Осиё археологиясидаги муаммолар, жаҳон цивилизацияси тарихи, жамият ривожидида инсон тараққиёти концепциясига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари” курси ўқув режадаги, Палеоэкология ва цивилизация динамикаси, Тарихий реконструкция масалалари, Жаҳон археологияси каби мутахассислик фанларининг соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир янги билимларга эга бўлишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклариси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий	Кўчма
1	Ўрта Осиёнинг тош ва палеометалл даври археологияси масалалари	4	2	2	
2	Ўрта Осиё илк темир даври археологияси	2		2	
3	Ўрта Осиёнинг антик даври археологияси масалалари	4	2	2	

4	Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср даври археологияси масалалари	4	2	2	
5	Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври археологияси масалалари	2		2	
6	Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида археология соҳасида хориж билан илмий ҳамкорлик масаласи.	4	2	2	
	Жами:	20	8	12	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўрта Осиёнинг тош ва палеометалл даври археологияси масалалари (2 соат).

- 1.1. Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги
- 1.2. Ўрта Осиёнинг тош даври археологияси: янги тадқиқотлар ва хронология масалалари
- 1.3. Ўрта Осиёнинг палеометалл даври археологияси масалалари: тадқиқотлар кўламининг ўсиши.

2-мавзу. Ўрта Осиёнинг антик даври археологияси масалалари (2 соат).

- 1.1. Антик даври археологиясининг ўрганишда янгича ёндошувлар ва илмий назариялар
- 1.2. Ўрта Осиёнинг антик даври археологик ёдгорликларини таснифи.

3-мавзу. Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср даври археологияси масалалари. (2 соат).

- 1.1. Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср даври археологияси масалалари
- 1.2. Ўрта Осиёда антропогенез жараёни масаласи. Замонавий илмий назариялар

4-мавзу. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида археология соҳасида хориж билан илмий ҳамкорлик масаласи. (2 соат).

- 1.3. *Ўзбекистон археологияси ривожланишининг янги босқичи.*
- 1.4. Ўзбекистон археологиясининг хориж билан илмий ҳамкорлиги: замонавий тадқиқотлар ва натижалар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг тош ва палеометалл даври масалалари. Ўрта Осиё тош даври жамоаларининг турмуш тарзи, ижтимоий тузуми,

хўжалик иқтисодий асослари, маънавий кечинмалари, маданий алоқаси ва маданиятлар генезиси (2 соат).

2-амалий машғулот. Ўрта Осиё илк темир даври археологияси. *Асосий ёдгорликлар ва уларнинг моддий маданияти* (2 соат).

3-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг антик даври археологияси. *Замонавий ўрганиш босқичи. Асосий ёдгорликлар. Тадқиқотлар натижалари ва муаммолар* (2 соат).

4-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср даври археологиясини масалалари: натижалар – ютуқлар – муаммолар (2 соат).

5-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври археологияси масалалари. *Асосий ёдгорликлари. Уларнинг умумий таснифи. Янги тадқиқотлар. Халқаро туризм муаммоларида музейификация масалалари.* (2 соат).

6-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида археология соҳасида хориж билан илмий ҳамкорлик масаласи. Археология соҳасида *Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган янги қонунлар ва қарорлар* (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Кейс-стади” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Кейс. Африка қитъасида дастлабки ибтидоий одамлар пайдо бўлди. Улар аста-секинлик билан ер юзининг бошқа худудалрига тарқала бошлади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

Дастлабки ибтидоий одамларнинг Африка қатъасидан миграция қилиши ер юзида тарқалашининг сабаблари нималардан иборат.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ➤ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ➤ ахборотни умумлаштириш; ➤ ахборот таҳлили; ➤ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ➤ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ➤ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;

<p>муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ➤ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ➤ муқобил ечимларни танлаш
<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка ва гуруҳда ишлаш; ➤ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ➤ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ➤ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Блиц – сўров” усули

“Блиц–сўров” усулидан фойдаланишнинг мақсади: Талабаларда мантиқий фикрлаш, фан юзасидан берилган маълумотлар орасидан кераклигини ажрата олиш қобилиятини шакллантириш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни, тарихий жараён кетма–кетлигини аниқлаш орқали шакллантириш.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1. Ўқитувчи талабаларга ушбу машғулот, бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт берилиши ва ундан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Тарқатма материаллар тарқатиб, талабаларга уни синчиклаб ўрганиш зарурлигини айтади.

2. Талабалар дастлаб тарқатма материалдаги “Якка баҳо” бўлимига ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма–кетлигини рақамлар билан

белгилаб чиқади. Унга 5 минут ажратилади.

3. Талабаларнинг якка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар тузишини сўрайди. Улар ҳамфикрликда тарқатма материалдаги “Гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар. Унга 5 минут ажратилади.

4. Барча кичик гуруҳларда ишлар тугагач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради ва талабалар “Тўғри жавоб” бўлимига рақамларни ёзиб чиқадилар.

5. Ўқитувчи “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлар билан “Якка баҳо” ва “Гуруҳ баҳоси” бўлимидаги рақамларни солиштириб, катта-кичиклигини айириб, фарқини чиқариб, “Якка хато” ва “Гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзишларини сўрайди.

6. Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни алоҳида шарҳлайди.

7. Талабалар тарқатма материалда берилган баллар асосида ўз баҳосини чиқарадилар ва улар журналга қайд қилинади.

Машғулот якунлангач, ўқитувчи машғулотни ўтказиш жараёнида талабаларнинг ва гуруҳларнинг фаолияти тўғрисида ўз фикрини билдиради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Тарих фанлари ичида айнан археология биринчилардан бўлиб математик усуллар ва ахборот технологияларига мурожаат этган фан соҳалардан бири ҳисобланади. Нима учун тарих фанлари ичида айнан археология биринчилардан бўлиб математик усуллар ва ахборот технологияларига мурожаат этган фан соҳалардан бири ҳисобланади?

2. 1936 йилда эса Жей Барнес ва Альфред Винсент Киддер томонидан палеолит индустриясини ўрганишда статистик усуллар қўлланилганлиги ҳақида маълумот беринг?

3. XX асрнинг 50-йилларида Брейнерд ва Робинсон томонидан ўтказилган тадқиқотлар эса археологик муаммоларни математик шакллантириш ва ечиш йўллари кўрсатиб берганлигини тушунтириб беринг?

Инсерт техникасидан фойдаланиш қондаси

1. Маъруза матни ўқинг ва унинг ҳошиясида қуйидаги белгиларни белгиланг:

V – мавжуд билим (ахборот)га мос келади

+ (плюс) – янги ахборот ҳисобланади

- (минус) – мавжуд бўлган билимга мос келмайди

? – тушунарсиз/аниқлаш талаб қилинадиган/ қўшимча ахборот

2. Олинган маълумотларни қуйидаги жадвал кўринишда бир тизимга келтиринг:

Мавзу саволлари	v	+	-	?
1				
2				
3				
4				

Мавзунини жонлантириш учун саволлар

1. ГАТ атамасининг таърифини биласизми?
2. Археологияда географик ахборот тизимининг қўлланилиши ҳақида маълумот беринг?
3. ГАТ қўлланиладиган фан соҳалари ҳақида маълумот беринг?

Археологияда математик усулларнинг қўлланилиши


XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб рус археологлари томонидан тадқиқотлар жараёнида тахминий статистика ва геометрия усуллари қўлланила бошланди

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Америкалик археолог олимлар ҳам ўз тадқиқотларида математика усулларни қўллаш бошлашди.


XX асрнинг 50-йилларида Брейнерд ва Робинсон томонидан ўтказилган тадқиқотлар эса археологик муаммоларни математик шакллантириш ва ечиш йўллари кўрсатиб берди.

Пинборд техникаси


(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска)
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш
ва гуруҳлашни амалга оширишга, коллектив тарзда
ягона ёки аксинча қарама-қарши
позицияни шакллантиришга имкон беради



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини
баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий
хужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради)



Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар
ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч
хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида
қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар



Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадиладар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадидилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқиладилар.

“Блиц – сўров” усули

“Блиц–сўров” усулидан фойдаланишнинг мақсади: Талабаларда мантикий фикрлаш, фан юзасидан берилган маълумотлар орасидан кераклигини ажрата олиш қобилиятини шакллантириш, ўзгалар фикрини

ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни, тарихий жараён кетма–кетлигини аниқлаш орқали шакллантириш.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1. Ўқитувчи талабаларга ушбу машғулот, бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт берилиши ва ундан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Тарқатма материаллар тарқатиб, талабаларга уни синчиклаб ўрганиш зарурлигини айтади.

2. Талабалар дастлаб тарқатма материалдаги “Якка баҳо” бўлимига ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма–кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади. Унга 5 минут ажратилади.

3. Талабаларнинг якка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар тузишини сўрайди. Улар ҳамфикрликда тарқатма материалдаги “Гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар. Унга 5 минут ажратилади.

4. Барча кичик гуруҳларда ишлар тугагач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма–кетлиги бўйича тўғри жавобни беради ва талабалар “Тўғри жавоб” бўлимига рақамларни ёзиб чиқадилар.

5. Ўқитувчи “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлар билан “Якка баҳо” ва “Гуруҳ баҳоси” бўлимидаги рақамларни солиштириб, катта–кичиклигини айириб, фарқини чиқариб, “Якка хато” ва “Гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзишларини сўрайди.

6. Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни алоҳида шарҳлайди.

7. Талабалар тарқатма материалда берилган баллар асосида ўз баҳосини чиқарадилар ва улар журналга қайд қилинади.

8. Машғулот якунлангач, ўқитувчи машғулотни ўтказиш жараёнида талабаларнинг ва гуруҳларнинг фаолияти тўғрисида ўз фикрини билдиради.

Археологик даврлаштириш

(“блиц-сўров” услуби)

Гурух баҳос и	Гуру ҳ хатос и	Тўғри и жавоб б	Якк а хат о	Якк а баҳ о	Даврлар номи
					Мезолит
					Илк темир даври
					Бронза
					Ўрта асрлар
					Неолит
					Энеолит
					Антик
					Ашель
					Архаик
					Олдувай

6-5 тўғри жавоб "қониқарли"

8-7 тўғри жавоб "яхши"

9-10 тўғри жавоб "аъло"

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги

РЕЖА:

- 1.1. Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги
- 1.2. Ўрта Осиёда антропогенез жараёни масаласи. Замонавий илмий назариялар..

Таянч иборалар: Ўрта Осиё, археология, долзарб, фан, инсон, жамият, тарих, илмий, замонавий, назария.

Ўрта Осиё археологиясини ўрганишнинг замонавий босқичи.

Ўзбекистон мустақиллиги даври 1991 йилдан бошланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда Тарих институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тadbирлари, Буюк ипак йўли тарихини кенг тадқиқ қилиниши юзасидан олиб борилган ишлар археологик тадқиқот ишларининг янада жонланишига сабаб бўлди. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик самарали бўлмоқда. Япон олимлари Сурхондарё худудида, Австрия олимлари Қоралпоғистон худудида, Россия олимлари Хоразм ва Тошкент худудларида тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ҳозирда Ўзбекистон археологиясини ўрганиш анча яхши йўлга қўйилган. Бу иш билан махсус институтлар, университетлар, педагогика институтлари ва турли бўлимлар шуғулланмоқдалар.

Сўнгги ўн йилликда маданият ва тарихий ёдгорликларни қайта рўйхатга олиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишларига анча самарали таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг 90- йилларида ёдгорликларнинг 7216 таси ҳисобга олинган. Шулардан 1595 таси меъморий ёдгорликлар, 3106 таси маҳобатли санъат асарлари, 2115 тасини археологик ёдгорликлар ташкил этди. Улардан 1831 таси

республика миқёсидаги давлат муҳофазасига олинган бўлиб, 513 таси меъморий обидалар, 98 таси маҳобатли санъат асарлари, 1213 таси археологик ва 27 таси тарихий ёдгорликлардир. Бундай ёдгорликлар айниқса, Самарқанд (997), Бухоро (804), Қашқадарё (592), Тошкент (562), Фарғона (512) вилоятларида кўп. Республикамиздаги археологик ёдгорликларни сақлаш бугунги кунда қонун 2009 йил 16июнда қабул қилинган. У Археология мероси объектларини муҳофаза қилиши ва улардан фойдаланиш тўғрисида деб номланади. Унда археологик объектлар давлат томонидан муҳофаза қилинини қонунлаштирилган.

Бу мамлакатимиз бутун худуди қадимий маданият ва цивилизация ўчоғи бўлганлигидан далолат беради.

Археолог олимлар Ў.И.Исломов ва К.А.Краҳмаллар Ўрта Осиё минтақасининг ўзига хос геологик тузилишини, яъни тоғлик, адирлик ва пасттекисликлардан иборат эканлини ҳисобга олиб, ундаги геотектоник ва геомагнит ҳодисаларни радиомагнит методлари орқали ўргандилар. Натижада олимлар пасттекисликлардаги химиявий ўзгаришлар тоғлик худудларга нисбатан секин кечишини исботладилар ва палеолит даври ёдгорликлари учун илгари белгиланган саналарни 500-600 минг йилга қадимийлаштирдилар. Бу эса, жаҳон миқёсида катта янгилик бўлди.

Археологик илмий тадқиқот ишларининг иккинчи босқичда ёдгорлик ҳақида маълумотлар тўпланади. Биринчи, навбатда ёдгорлик тўғрисидаги афсоналар ва ривоятлар сўраб суриштириш ишларини олиб борилади ва унинг сиртида сақланиб қолган моддий ашёлар илмий таҳлил қилиниб, дастлабки хулосалар ясалади. Кейин ёдгорликнинг даври ва унинг босқичлари, маданий қатламлари тўғрисида умумий маълумотга эга бўлиш мақсадида ёдгорликнинг бир қисмида шурф солинади. “Шурф” немисча сўз бўлиб, қазимок, деган маънони англатади. Шурф квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклидан иборат бўлиб, томонлари икки ва ундан ортиқ ҳатто ўн метрдан ортиқ бўлиши мумкин.

Археология илмий тадқиқот ишининг охириги босқичида ёдгорликда кенг кўламли қазилма ишлари олиб борилади. Ҳар қандай стратиграфик қазилма

ишлари ёдгорликнинг материк, яъни ернинг соз тупроқ қисмига қадар қазиб тушилади. Айрим ҳоллардагина планиграфик қазиш ишлари олиб борилиши мумкин. Планиграфик қазишма ишлари маълум даврга оид иншоотларни ўрганишга қаратилган бўлиб, кўпинча ёдгорликнинг юқоридаги маданий қатламларини ўрганишда фойдаланилади.

Маданий қатламларда инсониятнинг турмуши тарзи, хўжалик ва ғоявий фаолияти излари сақланиб қолган. Бу қатламлар йиллар, асрлар давомида аста-секин тўпланиб борган. Археологик ёдгорликларда бир ёки бир неча ўнлаб маданий қатлам мавжуд бўлиб, уларнинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 30-35 метрларгача бўлиши мумкин. Бу эса мазкур манзилгоҳда кишилар ҳаёт фаолиятининг қанча давом этиши билан боғлиқ.

Археологлар кундалик тадқиқот ишларининг натижаларини қайд қилиб борадилар. Тўпланган ашёвий манбалар тадқиқот ишларини олиб бораётган муассаса илмий лабораториясида қайта ишланади. Дастлаб топилмаларни муҳофазалаш ва тиклаш ишлари бажарилади. Кейин улар турлар бўйича ажратилиб, илмий таҳил этилади ва қазишма ишлари давомида ёзма қайдлари билан умумлаштирилиб мазкур ёдгорликнинг маълум ҳудуд тарихини очиб беришидаги аҳамияти масалалари баён қилинади. Илмий тадқиқот ишлари якунинг тафсилотлари тадқиқотчи томонидан тегишли илмий муассасага ёзма ҳисобот берилади.

Археологияда қадимги даврлар тарихи табиий-географик шароит билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади. Археологияда бу “экофакт” ва “артефакт” тушунчалари билан ишлатилади.

Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ашел даврига оид ўндан ортиқ маконларда археологик қазиш ишлари амалга оширилган. Улардан Селенгур (Фарғона водийси), Кўлбулоқ (Тошкент), Қоратов I ва Лоҳутий I (Жанубий Тожикистон), Жаниш ва Достик (Жанубий Қозағистон) каби ёдгорликлар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг санаси мутлақ даврлаштириш асосида мил.ав. 700-200/150 минг йилликлар доирасида саналанади. Селенгур маконида Иккаласидан ҳам тошқотишмадан ясалган меҳнат қуроллари топилсада, Лоҳутий I нисбатан анча ривожланган маданиятга эга. Ҳозирги

кунга кадар Ўрта Осиё худудидан ашел даврга оид йигирмага якин осик турдаги ва ғор-маконлар аникланиб уларнинг кўпилигида археологик казиш ишлари олиб борилмокда.

Селенгур макони Олой тизмасидаги Ҳайдаркон деган жойда жойлашган. Бу ёдгорлик дастлаб 60-йилларда ўрганилган 80-90 йилларда археолог олим Ў. Исломов ва унинг шогирди К.Крахмаллар тамонидан давом эттирилган ёдгорликда бешта маданий қатлам аниқланган. Унинг маданий қатлампидан кўплаб тош қуроллари, ҳавон суяклари билан биргаликда энг кадимги одамларга тегишли суяклар топилган. Суяклар бош чанокнинг юқори қисми, олти донга тиш ва елка суяк бўлакларидан иборат бўлган. Бу ердан жами 1417 донга тош қуроллари топилиб, шундан 852 таси учринди, 306 турли тош қуроллари ва 38 таси нуклеуслардан иборат. Тош қуроллари ҳар хил нуклеус, учринди, бир томони уриб учирилган чоппер ва бошқалардан иборат. Топиб ўрганилган суяклар йиртқич ҳайвон айиқ, бури, ёввойи чўчка, бука, тур, от, архар, буғи, насоргларикини ташкил этади. Бу ашел даврининг ноёб ёдгорликларидан биридир.

Ер шари юзасининг ярмидан кўпини батил ва абиссал терригенли, органогенли, хемогенли ва вулканогенли чўкиндилар эгаллаб ётади. Шельфларда шаклланидиган чўкиндилар талайгина кам майдонларда ривожланганлар. Денгиз чўкиндилари ичида сузиб юрвчи музлар ва айсберглар томонидан келтирилган материалдан ҳамда шельфи, тоғли ва қоплама музликлардан ҳосил бўлган гляциал-денгиз (музли - ва музденгизли) ётқизиклари алоҳида аҳдмиятга эга. Худди шу чўкинди типлари Евросиё ва Шимолий Америка атрофларини ўраб олган ҳамма шимолий денгизларда ва Антарктида атрофидаги жанубий денгизларда ҳамда Субтропик Евросиё, Канада ва Аляска текисликларида кенг тарқалган. Бу чўкиндилар гил, суглинка, кўпинча зич, ноаниқ-қаватлашган, ўзида шағал, шебен, ғўлатош, валуна ва палахса тошлардан ташкил топган. Қуруқликда улар мореналарга қабул қилинади, шунинг учун улар моренасимон деб ном олдилар.

Ётқизиқлар учта асосий кимёвий, органик ва ласси турда классификация қилинади. Булардан биринчи иккитаси кўпроқ геоархеологияга тегишли ҳисобланади. Ластии ётқизиқлар энг кўп тур ҳисобланади. Улар ташкил топган қоя парчаларидан, бошқа ётқизиқлардан ёки тупроқ моддиятларидан яъники эрозиянинг тарихи тасвири, кўчиши ва сақланишидан иборат. Кўпчилик ластии ётқизиқларнинг шамолга ўхшаган (масалан қум тепаликлар), сув йўллари (масалан дарёчалар, денгиз бўйлари) ва гравитатсия (инқироз, кўчиш, емирилиш) воситалар ёрдамида сақлаб қолинади.

Инсон қадимдан ўзини хайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлигини тушуниб етган. Бу тушунча илк диний эътиқод ва урф-одатлар билан боғлиқ ходисаларда табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирила бошланганлигида шаклланади. Бунда маданият тараққиётининг экологик омилларига эътибор бериш лозим.

Ёр шари юзасининг ярмидан кўпини батил ва абиссал терригенли, органигенли, хемогенли ва вулканогенли чўкиндилар эгаллаб ётади. Шельфларда шаклланадиган чўкиндилар талайгина кам майдонларда ривожланганлар. Денгиз чўкиндилари ичида сузиб юривчи музлар ва айсберглар томонидан келтирилган материалдан ҳамда шельfli, тоғли ва қоплама музликлардан ҳосил бўлган гляциал-денгиз (музли - ва муз-денгизли) ётқизиқлари алоҳида аҳдмиятга эга. Худди шу чўкинди типлари Евросиё ва Шимолий Америка атрофларини ўраб олган ҳамма шимолий денгизларда ва Антарктида атрофидаги жанубий денгизларда ҳамда Субтропик Евросиё, Канала ва Аляска текисликларида кенг тарқалган. Бу чўкиндилар гил, суглинка, кўпинча зич, ноаниқ-қаватлашган, ўзида шағал, шебен, ғўлатош, валуна ва палахса тошлардан ташкил топган. Қуруқликда улар мореналарга қабул қилинади, шунинг учун улар моренасимон деб ном олдилар.

Ётқизиқлар учта асосий кимёвий, органик ва ласси турда классификация қилинади. Булардан биринчи иккитаси кўпроқ геоархеологияга тегишли ҳисобланади. Ластии ётқизиқлар энг кўп тур ҳисобланади. Улар ташкил топган қоя парчаларидан, бошқа ётқизиқлардан ёки тупроқ моддиятларидан

яъники эрозиянинг тарихи тасвири, кўчиши ва сақланишидан иборат. Кўпчилик ласти ётқизиқларнинг шамолга ўхшаган (масалан кум тепаликлар), сув йўллари (масалан дарёчалар, денгиз бўйлари) ва гравитатсия (инқироз, кўчиш, емирилиш) воситалар ёрдамида сақлаб қолинади. Ластини ётқизиқларнинг одатий мисоллари (худди компонентлар ҳажмининг пасайишига асосланган) кум, лойқа ва гил. Геологик маълумотларда қоялар турлари адирликлар, кум уюмлари ва балчиқ уюмларидир. Вулқонли ласти парчалари вулқон куллари, бўлаклари, қолдиқларидан иборат бўлса, пйроластини оқим бўлакларини ластини ётқизиқлар деб тушунилади. Қисқаси, улар бирмунча ғайриоддий георхеологик контекстлардир. Шунингдек, улар вулканик худудлар билан чегараланган¹.

Шунга қарамай улар археологик манзилгоҳларнинг шаклланиши ва стратиграфиясидаги муҳим аспектдан ташкил топган. Археологик вақтда мисоллар тасвирлаш учун макон ҳисобланадиган Помпей тахминан 4милли вулқонли ластини бўлаги (тефра) билан ўралаган ва вулқон куйиндиси, вулқонли кум, лапилли (2-64мм) ва кул (2 мм) дан иборат. Сан-Сальвадорда, Ерен манзилгоҳида бир хил турдаги турар жойлар акс эттирилган, яъни тузулиши ва қишлоқ хўжалик ерлари бир неча метр тепа остида кўмилиб кетган эди. Шарқий Африка, Туркия, Жордон Рифт ва Жеоржиядаги манзилгоҳлардан топилган голоцен ва плейстоцен даврининг стратиграфияси ва саналарида водийларда сақланиб қолган вулқон ластини топилмалари асосий рол ўйнайди. Олдувай Горге, Гоби Фора, Гешер Бенот Яков ва Дманисе археологик ва инсоният яшаб қолган манзилгоҳлардан бир нечтаси бўлиб ҳисобланади.

Голоцен – музлашдан кейинги давр. Музлаш даври тугаши билан ҳозирги давр иқлими шаклланади. Музликлар шимолга чекиниб, турли кенгликларга хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шаклланади. Ҳозир 14 минг йилдан буён иссиқ иқлим ҳукм сурмоқда. Сибир, Шимолий Америка,

¹ John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

Шимолий Европа абадий музликлари, субарктик ўсимликлари худудлари юзлаб кмларга шимолга чекинадилар.

Голоцен фаслининг боши эр авв 8-4 минг йилликлар Атлантик оптимум- (мўътадил) деб аталади. Ҳарорат анча иссиқ ва серёмғир бўлган. Саҳрода ҳам йилиги 300-400 мм ёмғир ёган. Африкани марказидаги Чад кўли кенгайиб Каспий денгизига етган. Археологик жихатдан бу давр неолитга тўғри келади. Бу даврда деҳқончилик билан чорвачилик ривожланиб, ишлаб чиқариш шаклланади. Бу даврда шимолий минтақаларда қурғоқчилик бўлади. Лекин 3 минг йилликнинг охирида қурғоқчилик хукмрон бўлади. У ерда ҳам бир замонлар Нил билан тенглашадиган дарё оққан, уларнинг қирғоқларида тош қояларга чизилган петроглифлар топилган².

Энг қадимги петроглифлар эр авв 6-7 минг йилликка оид бўлиб, фил, жирафалар тасвири, ҳайвонлар уйури ҳам учрайди. Бу ҳайвонларни овловчи аҳолининг қиёфаси негроидларга ўхшайди.

- 1) Неолит даври эр.авв. 4 минг йилликка оид суратлар, бу ерда чорвачилик манзарасини кўришимиз мумкин.
- 2) Эр. авв. 1200 йил отлар тасвири учрайди. От Марказий Осиёнинг шимолий худудларида хонакилаштирилган.

Эр авв 2 минг йилликнинг 2 ярмида ва ундан олдин Ямная, Катакомбная, Андроново маданиятининг вакиллари чорвадор аҳолиси отбоқарлик саънати дунёга тарқатади.

Ямная – Ўра, Ёрма гўр,

Катакомбная – Лахад,

Андроново – Ёғочдан қабр қилган.

Палеографларнинг кузатишига кўра Қизилқум манзараси мил. авв. 4 минг йилликларда яшнаган жой бўлган. Амударё, Сирдарё, Зарафшон серсув бўлиб, Каспийга қуйилган. Бу минтақаларда ёввойи хўкиз (тур) доимийлик иқлимга мослашган ҳайвонлар юрган.

² John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

Жанубий Туркменистондаги Копетдоғ серсув бўлиб, бу ерда Жойтун маданияти шаклланади. Жойтун шимолий худудда кенг кўламда топилган Калтаминор маданияти билан чегарадош бўлган. Калтаминор маданиятининг овчи, термачилик ахолиси нам шимолий минтақаларга чекиниб ўрта кенглик ўзлаштирилди. Натижада ғарбий йуналишда шарқий Европа худудига етиб боради.

Бухоро воҳасининг ғарбий худудларидан ғарб томон кўчиб кетган Зарафшон дарёсининг етаклари топилган. Асосийси оёқ оғитма деб аталади. Унинг қирғоғида 80 метрлик жар ёқасида эр авв 4 минг йиллик охирига оид Калтаминор маданиятига мансуб манзилгох топилган. Бир замонлар бу манзилгох Зарафшон дарёси етагида ҳосил бўлган кўл атрофида пайдо бўлган. 6 минг йил мобайнида юз берган тиктоника ўзани 80 метрга ўсиб кетган.

Ҳозир ҳам Ўрта Осиё майдони сейсмологларнинг хабарига кўра йилига ўрта ҳисобда 1 смга ўсиб бормоқда, жумладан, Орол денгизини туби ҳам.

Кўй билан сигир биринчи бор Яқин Шарқда хонакилаштирилади. Икки ўрқачли туя айнан Калтаминор маданияти вакиллари томонидан хонакилаштирилган.

Европада ҳам 4 та салқин нам фасллар аниқланган, буларнинг санаси эр авв 3700-3100, 2600, ва 2 чи минг йилликларга тўғри келади. Асосий музлаш ғарбий Европада 3 минг йиллик бошига тўғри келади. Бу фаслда қурғокчилик авжига чиқади. Кўп маданият марказлари талофатга учрайди. Шунинг натижасида Марказий Осиёда БМАК маданияти (Бақтрия, Марғиёна) пайдо бўлди.

Сополлитепа, Жаркўтон, Гонур, Тоголок, Даштли 3 ва бошқа илк шаҳарлар айнан шу кўчишнинг оқибатида Ўрта Осиёга Яқин Шарқ маданиятини олиб киради. Археологик маданиятларнинг ўзгаришлари, ёзув шу ерда ёзув бор.

Мисол: қишда Дунай дарёсини муз қоплаб уни устидан от ва пиёдалар ўтиб юради. Бир замонлар Жанубий Арабистонда Сабий подшолиги бўлган,

ўша даврга оид ҳозир қуриб ётган дарёда катта эр авв 9 асрга оид тўғон топилган, 2чи тўғоннинг бўйи 600 метр.

Қадимий Хитой, Миср, Европа манбаларда ҳам эр авв 3 минг йилликнинг 1 ярмида иқлим ўзгариб турган.

Каспий денгизининг сатҳи ҳозиргидан 80 метр баланд бўлган. Эр авв 7 минг йилликда эса унинг сатҳи ҳозиргидан 20 метр пастда бўлган.

Европа ҳудудлари голоценнинг иссиқ фаслида Алп тоғларининг ўрмонлари чегараси ҳозиргига нисбатан 1 км баланд бўлган³.

Атлантик Плювиял даврида Ўрта Осиё ҳудуди ҳарорати иссиқ бўлган минтақасида кўпроқ ёмғир ёққан. Шу даврда Ўрта ер денгизининг шарқий ҳудудларидан Европага , шимолий Африкага , жанубий Осиёга мегалитлар маданияти тарқала бошлади. (Долмек, Мекгюр, Кромлеклар).

Мегалит – улкан тошлардан қурилган иншоотлар.

Сибир ҳудудларида мамонтлар голоцен даврининг бошида 12 -10 минг йил олдин қирилади. Бу даврда Марказий Осиёда қурғоқчилик ҳукм суради. Иссиққўл кўлининг транзгрессияси кузатилади. Яқин шарқ, Ўрта шарқни суғориб турган циклонлари шимолга силжийди.

Голоцен даврида унинг бошида (13-6 минг йиллик) музликларни эриши натижасда жаҳон океанларининг сатҳи ҳар минг йил мобайнида 9 смга кўтарилган. Европа ҳудудларида Қадимий голоцен фаслида қурғоқчилик юз бера бошлайди. Англия Европадан ажраб қолади, Аляска Камчаткадан ажраб қолади. Охирги 4 минг йилда океан сатҳи 1 метрдан 4 метргача кўтарилиб келмоқда.

Ибтидоий жамият тарихидан бошлаб инсон табиатдан ўз мақсадларида фойдаланган (ўрмон, дарё, кўллар ўраб тургантеварак атрофдаги мавжуд хом ашё, ўсимликлар, мева, хайвонот дунёси,табiiй озиқ-овқат захиралари ўзлаштирилган). Ўзлаштирувчи хўжаликлар ривожланган даврларда ўруғ ва қабила аъзолари муайян ҳудудда истиқомат қилган. Уларнинг ҳудудий жойлашуви қон – қариндошлик тамойилларига асосланган бўлиб, у ёки бу

³ John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

туманда фақат қариндош уруғ вакиллари истиқомат қилган. Ўзлаштирилган худудлар ўртасида шартли чегаралар мавжуд бўлган.

Этногеография аҳолининг худудий жойлашуви хусусиятларини, уруғ, қабила, этник гуруҳлар, элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва турли тарихий даврларга хос жамиятга табиий-географик омилларнинг таъсири ҳамда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ахамиятини ўрганади. Географик шароит инсоннинг меҳнат усуллари моддий маданият, турмуш тарзи ва умуман ҳаётига таъсир қилган⁴.

Қадимги даврларда жамоалар турлича табиий шароитда жойлашиши ва атроф-теваракга мослашиши туфайли уларнинг ҳаётида турли шакллардаги хужалик маданиятлар вужудга келган эди. Мисол тариқасида денгиз, кўллар, дарёлар атрофларида жойлашган қабилалар ҳаётида балиқчилик, дашт, тоғ олди ва тоғли туманларда жойлашган аҳолисида овчилик устунлик қилган эди ёки балиқчилик, овчилик ва термачилик комплекс тарзда ривожланган. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг (деҳқончилик, чорвачилик) шаклланишига иссиқ иқлим, хосилдор ерлар, ёввойи бошоқли ўсимликлар ва майда шоҳли хайвонларнинг табиатда мавжудлиги асос бўлган. Деҳқончилик совуқ иқлим ерларда ёки қалин ўрмонлар, бутазорлар эгаллаб олган худудларда ва чўлларда ривож топмаган.

Хўжалик – маданий типлар жамоаларда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, муайян уруғ, қабила, этник гуруҳлар ва элатларнинг теварак – атрофдаги алоқа хусусиятларини белгилайди.

Хўжалик –маданий типларнинг таърифида уй-жойлар, меҳнат қуроллари, хунармандчилик маҳсулотлари, уй-рўзғор ва маданий буюмларга эътибор бериш лозим. Хўжалик - маданий типларнинг умумийлиги яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, табиий шароит ижтимоий – иқтисодий тараққиёт қишлоқларнинг турмуш тарзи, моддий маданияти ва маълум даражада маънавий маданиятга таъсир қилган.

⁴ Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.

Юқорида айтиб ўтилгандек мазкур масалани ўрганиш жараёнида табиий шароит ва иқлим хусусиятларига эътибор бериш лозим. Мисол тариқасида иссиқ иқлим шароитида дарё вохаларида дастлаб лалмикор дехқончилик ва сўнг суғорма дехқончилик тарқалган.

Кўп жихатдан хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги тарихий этнографик вилоят ёки тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланишига хизмат қилган. Маълум ҳудудларда жойлашган, узоқ тарихий даврлар мобайнида ўзаро алоқаларда бўлиб, умумий моддий ва маънавий маданиятни яратган аҳоли гуруҳлари тарихий – маданий вилоят дирасида бир одатлар, эътиқодлар, шунингдек тил ҳамда этник яқинлик бирлаштирган⁵.

Атлантик плювиял даврида Ўрта Осиё саҳроларида йилига 250-450 ммга қадар қор ёғиб турган, ҳарорат ҳозиргидан 8-10 гр паст бўлган. 3-2 минг йилликларда иқлим қуриб ҳарорат кўтарилади. Жойитунни ўрнини Анов 1 эгаллайди. Даштда энеолит, бронза даврига оид манзилгоҳлар ташкел топади. Эр авв 2 минг йилликларда эса Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида БМАК маданияти шаклланади. Даштда эса шимолий кўчманчи Андроново маданияти кириб келади. Охирги 4 минг йил ичида 7 та нам фасл кузатилган. Булар эр авв 1900, 1300, 760, 20, ва эра мизни 920, 1120, 1700 йиллардан бошланган. Бу фасллар натижасида ўтроқ дехқончилик гоҳ кенгайиб гоҳ торайиб борган. Хоразм экс-си Сарикқамиш атрофида ҳаёт кечирган. Бу ҳудудда суви эр авв 2 минг йилликда қуриydi. Эр авв 8-7 минг йилликларда Ўзбойдан Сарикқамишга яна сув кела бошлайди ва бу ҳудудда сакларга мансуб Қуйисой манзили топилган.

Ўзбекистонда илк мезолит даврига оид манбалар XX аср бошларида топилган. Мезолит даврини системали ўрганишни А.П.Окладников бошлаб берган. Кейинчалик Катта ва Кичик Балхаш ҳудудларида кўп қатламли мезолит даврига оид ёдгорликлар, Устюртда, Марказий Фарғонада, Қизилқум, Помирда мезолит ёдгорликлари кўплаб топилган.

⁵ Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.

А.М.Мандельштам, Х.Ю. Юсупов, Ю.А.Заднепровский, Ў.Исломов— Фарғонада, Е. Бижанов, В.Ягодин, А.Виноградов, Г.Ходжаниёзовлар Устюртда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Лекин Ўзбекистон мезолити бошқа даврларга нисбатан кам ўрганилган. Ў.Исломов шу кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган ёдгорликларни учта —Фарғона, Тошкент ва Сурхандарё территориал хусусиятларга бўлди.

Қўшилиш макони Тошкентнинг ғарбида қадимги Бўзсув анҳорининг чап соҳилидан топилган. У ердан нуклеуслар, майда парақачалар, қирғичлар ва ҳеч бир маконда учрамайдиган учбурчак шаклидаги қуроллар топилган. Қўшилишнинг маданий қатлаמידан топилган мазкур қуроллар сўнги тош даври қуролларига нисбатан ўзининг анча ихчамлиги ва қурол турларининг хилма–хиллиги билан ажралиб туради. Бу ердан топилган нуклеуслар ва қирғичлар Фарғонадаги Обишир I, V, Аччикўл ва Мачайдан топилган нуклеуслар ва қирғичларга ўхшаб кетади. Лекин Қўшилишдаги қуроллар анча қадимий архаик хусусиятга эгадир. Қўшилишдан топилган қуролларда ўзига хослик ҳам бор, яъни бу ерда геометрик шаклда ясалган қуроллар учрамайди. Шунингдек, Қўшилишда бошқа маконларда бўлган пичоқсимон парақалар топилган эмас. Қўшилиш қуролларининг баъзилари Яқин ва Ўрта Шарқдаги Шанидавр, Палигавр, Гари-Камарбанддан топилган қуролларга ўхшаб кетади.

Фарғона водийсида ва унинг жанубидаги тоғли ҳудудларда мезолит даври маконлар анча кўп топилган. Шулар жумласига, Фарғона водийсининг жанубидаги Қатрон тоғидан топилган Обишир I ва Обишир V ғор–маконларини киритиш мумкин. Улар милоддан аввалги IX–VIII минг йилликларга оиддир.

Обишир 1 ғор–макони Ҳайдаркон шаҳарчасидан 4-5 км шарқда жойлашган. У ернинг маданий қатламларидан микролитлар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари, нуклеуслар топилган. Улар бошқа жойлардан топилган мезолит даври қуролларига ўхшайди.

Обишир V ғор– макони эса Обишир 1 дан 200 метрча ғарбда жойлашган. У ерда 3 та маданий қатлам аниқланган. У ердан топилган

меҳнат қуроқларининг ишланиш техникаси Обишир 1 га ўхшайди. У ернинг қуйи маданий қатламларидан оқ–қора ва кул ранг чакмоқтошдан ясалган микролитлар— парақалар, пичоқ қадамалари, қирғичлар, кескичлар, тешгичлар, ўроқ–рандалар ва турли шаклдаги нуклеуслар топилган. Шунингдек бу ердан ёввойи ҳайвонларнинг парчаланган ва синдирилган суяклари ҳам топилган.

Кейинги йилларда Марказий, Жанубий ва Шарқий Фарғона ерларидан мезолит даври маконлари кўплаб топилган. Марказий Фарғонадан бу даврига оид 100га яқин жойдан маконлар топилган. Улардан Иттак қалъа, Шўркўл, Аччикўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбор, Босқумлар диққатга сазовордир. У ерлардан ҳар хил шаклда ретушланган ва ретушланмаган нуклеуслар, қирғичлар, парақалар, майда геометрик қуроқлар топилган. Бу ерда кўпроқ майда нуклеуслар учраб, йирик нуклеуслар деярли учрамайди. Дарё тошларидан олинган учриндилар ҳам бор. Бу ердан топилган меҳнат қуроқлари қора, яшил, жигарранг чакмоқтош, сланец ва бошқа тошлардан ясалган. Бу ёдгорликлар очиқ жойдаги маконлар бўлиб, маданий қатламлар йўқ. Тадқиқотчилар фикрича, Марказий Фарғонадаги илк ва сўнги мезолит даври маконлар ўша вақтнинг ўзидаёқ ташлаб кетилгач, бузила бошлаган. Ҳозирда бу жойлар кенг қум барханлари остида қолган. Лекин мезолит ва неолит даврларида бу ерларда қўллар бўлган. Ибтидоий одамлар шу қўл соҳилларда яшаганлар. Термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар.

Марказий Фарғонада фақат тош даври ёдгорликлар мавжуд. Бошқа даврларга оид ёдгорликлар ва маданий қатламлар йўқ.

Тадқиқотчилар Марказий Фарғонадаги мезолит даври ёдгорликларини 2 гуруҳини аниқлаб, унинг ривожланишидаги илк ва сўнги босқичини аниқладилар. Илк мезолит даври милоддан аввалги IX—VII йилликларга оид бўлиб, унга Иттак қалъа 2, Аччикўл 1,7, Янги қадам 1,2 ва Тойпоқ 1 маконлари киради.

Марказий Фарғонанинг сўнгги мезолит даври милоддан аввалги VI минг йилликларга мансуб. Унга Аччикўл, Бекобод 3,4, Шўркўл 1, 2, Мадёр 11, Замбар 2, Тойпок 3,5,7 ва бошқа жой маконларни киритиш мумкин.

Мезолит даври хронологияси масалалари. Мезолит даври (юнон. мезос-ўрта, литос-тош) - ўрта тош даври бўлиб, илк бор Аллен Браун томонидан (1883) палеолит ва неолит даврлари оралиғи тош қуроллари мажмуасини белгилаш мақсадида қўлланилган. Россия археологиясида дастлаб М.Я. Рогинский томонидан (1928) ишлатилган. ҳозирги пайтда ушбу атаманинг эквиваленти эпипалеолит ва голоен даври палеолити каби атамалар ҳам айрим ҳорижий мамлакатлар археологиясида қўлланилиб келинади.

Евросиё ҳудудларида археологик тадқиқот ишлари ютуқлари ҳозирги пайтда мезолитнинг даври ва саналини аниқлашга асос бўлиб хизмат қилган. Шунга кўра мезолитнинг нисбий (маконлар стратиграфияси-маданий қатлам) ва мутлоқ даврлаштириш асосида мил. авв. ХИИ-ВИИ/ВИ минг йилликлар доирасида белгиланган. Бу сана бевосита Олд Осиё, хусусан, Ўрта Осиё ҳудудлари учун мос келади. Ер юзининг бошқа ҳудудларида, хусусан, Евросиёнинг шимолий айрим жанубий (Осиё) минтақаларида мезолит даври анъаналари мил.авв. V/IV минг йилликларга қадар ҳам давом этганлиги маълум.

Сўнгги палеолит даврининг Охирги босқичларида эр юзи табиий шароитида бошланган муҳим ўзгаришлар мезолит даврига келиб музлик эриб, иссиқ иқлим шароитининг қарор топиши билан якун топади. Мустьэ даврининг Охирги босқичи ва сўнгги палеолит даврларида эр шарининг шимолий қисмини қоплаган сўнгги вюрм (валдай) музлиги эриб, эр юзида глобал иссиқ бошланади ва плейстоен голоен билан алмашади. Замонавий қадимги иқлимшунослик фани илмий ютуқларига асосан музлик эришининг бошланиши мил. авв. 14 минг йилликдан бошланиб, кўпчиллик олимларнинг илмий фаразларига кўра мил. авв. 8300 йилларда батамом эриб тугайди.

Музлик даври тугаб об-ҳаво иссиқлиги билан эр юзининг флора ва фаунасида кескин ўзгаришлар содир бўлади. Музликдан тозаланган ҳудудлар

ландшафтлари манзараси кескин ўзгариб, музликлар ўрнида дарёлар ва кўллар пайдо бўлади.

Музлик олди ҳудудларида яшовчи совуқ иқлим шароитига мослашган мамонт, каркидон, қўйбуқа каби ҳайвонлар сўнгги палеолит даврининг охирларидаёқ яшаш шароитлари оғирлашиб, музлик ортидан чекка шимолга чекинишга мажбур бўлишган ва кейинчалик тур сифатида қирилиб кетган. Ҳайванот оламидаги ўзгаришлар, яъни йирик ҳайвонларнинг ўрнига тез чопар, зийрак ва яқка яшаши мумкин бўлган ҳайвонлар турининг кўпайиши палеолит даври овчилик анъаналарининг қийинлаштиради. Натижада бу турдаги ҳайвонларга ов қилиш учун янги воситаларни ихтиро қилишга зарурат туқилади. Бу албатта мезолит даврининг буюк ихтироси ўқ-ёйдан фойдаланишнинг бошланиши эди. Бу эса бутун палеолит даврида йирик ҳайвонларни бутун жамоа аъзолари ҳамкорликда ҳамал усулидаги ов қилишга барҳам бериб, нисбатан кичик ва тез ҳаракатланувчи ҳайвонларни яқка ҳолда овлаш усулига ўтишга олиб келади.

Бу дарда музликдан бўшаган ҳудудларда ва жанубий минтақаларнинг тоғли ҳудудларида от, хўкиз, сайга, ёввойи эшак ўрмон ҳудудларида эса лос, буғу, чўчка, бўри, тулки ва бошқалар яшашган. Музлик ва музлик олди шимолий ҳудудларида содир бўлган табиий ўзгаришлар эр юзининг жанубий минтақаларида унчалик сезилмайди. Бу эрнинг флора ва фаунада ҳам туб ўзгаришлар кузатилмаган.

Сўнгги палеолит даври такомиллашган тош қуроллари мезолит даври қуролларининг пайдо бўлишига замин яратади. Евросиёнинг жанубий минтақаларида ҳажми 1-2 сантиметрдан иборат геометрик шаклли тош қуролларда фойдаланила бошлайди. Сигмент, трапеия ва учбурчак шаклли кремень (чоқмоқ тош) қуроллари ҳажми жиҳатдан анча кичик бўлиб, улар археология фанида микролитлар (юн. микрос-кичик, литос-тош), деб номланади. Бундай тош бўлакчаларидан одатда қадама сифатида қўлланилган. Микролитлар одат бирор восита ёғоч ёки суякга қотирилиб, камон ўқи учи, бошоқли ўсимликларни ўриш учун ўроқ сифатида фойдаланилган. Шунингдек, териға ишлов бериш каби нозик ишларини

бажаришда қурол сифатида ҳам ишлатиш мумкин бўлган. Микролит техникасига асосланган тош қуроллар дастлаб жанубий ўлкаларда аҳолиси орасида тарқала бошлаган бўлса, шимолий минтақаларда сўнгги палеолит даври анъанасига эга бўлган пластикасимон (япалоқ шаклдаги) тош қуроллардан фойдаланиш давом этган. Бу ҳудудларда микролитлар нисбатан кейинроқ вужудга келади. Бу даврда микролитлар билан биргаликда макролит (юн. макрос-катта, литос-тош)) қуроллари, хусусан тош болталар ҳам пайдо бўлади. Бундай қуролларнинг аҳамияти ўрмон минтақалари ва тоғли ҳудудларда юқори бўлган. Тош болталар йирик тошларни текис ёриш ва сиртини силлиқлаш асосида амалга оширилган.

Мезолит даври табиий-геогафик ўзгаришлари ибтидоий давр кишиларининг турмуш тарзини кескин ўзгаришига олиб келади. Жамоа аъзолари маҳаллий ҳудудларда тарқаган фауна ва флораси хусусиятларидан келиб чиқиб ўзлаштирувчи хўжалик шакллари ташкил этишиб, бу соҳада маълум ихтисослашишни келтириб чиқарган. Натижада ибтидоий аждодларимиз овчилик, балиқчилик ва термачилик ёки уларнинг икки тури билан шуғулланиб кун кечиришган.

Дуккакли ўсимликларни термачлашга асосланган қабилалар бошоқли ўсимликларни маданишлаштириш, овчи қабилалар эса ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириб, охир оқибат илк ишлаб чиқариш-деҳқончилик ва чорвачилик шакллариининг вужудга келишига замин яратишган. Бу жараён нисбатан илгарироқ мезолит даврининг ўрталарида Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида содир бўлган.

Олд Осиё, хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудлари плейстоен даври музлигидан анча узоқ бўлиб, иқлим шароити нисбатан иссиқ ва намгарчилик миқдори юқори бўлган. Бундай шароит эса ҳудудда бой флора ва фаунасининг қарор топиши учун имконият яратган. Бу ўз навбатида мезолит даври илгор хўжалик шакллари ва маданий анъаналарининг вужудга келишини таъминлаши табиий эди. Шунингдек, бундай қулай шароит ҳудудда мезолит анъаналарининг узоқ давом этмаганлигига сабаб бўлган.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида мезолит даври қисқа муддат давом этиб, ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклларига жуда эрта ўтишган.

1.1. Неолит даври ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг шаклланиши.

Неолит даври хусусиятлари. Неолит - (юн. неос-янги, литос-тош, янги тош асри) ўзоқ давом тош асрининг сўнгги босқичи. Неолит атамасини 1865 йилда инглиз археологи Леббок таклифи билан археология фанига киритилган. Неолит даврда кишилар жамоаси эр юзининг нисбатан кенгрок ҳудудларни эгаллашиб, турли географик шароитларга мос хўжалик шакллари билан кун кечиришларига тўғри келган. Бу эса хўжалиги ва моддий маданиятига кўра ўзаро кескин фарқ қиладиган маданиятларнинг қарор топишига олиб келган. Неолит даврида табиий шароити қулай бўлган Олд Осиё ҳудудида мезолит даврининг охирларидаёқ намоён бўла бошлаган ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари вужудга келган бўлса, нисбатан совуқ ўлкалар аҳолиси хўжалигининг ўзлаштирувчи шакллари сақланиб қолади. Хўжалик шакллари эса ўз навбатида уларнинг моддий маданиятида ҳам маълум тафовутлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Ер юзининг барча ҳудудларидаги хўжалик соҳасидаги кескин тафовутлар неолит даври маданиятларини белгилашда айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Неолит даврини белгилашда қандай хусусиятлар асосий омил бўлиб хизмат қилиш тўғрисидаги масала тадқиқотчи археолог олимларнинг мунозараларига сабаб бўлган. Айрим тадқиқотчиларлар неолит даврини белгилашда хўжалик ва маданий хусусиятларидан келиб чиқишни таклиф қилишсалар, бошқалар эса мазкур давр учун хос бўлган барча хусусиятларни эътибор олган ҳолда тадрижийлик асосий ўрин эгаллашини таъкидлашади. Шу нуқтаи назардан неолит даври хронологик чегарасини эр юзининг барча ҳудудлари учун маълум саналарни қўллаб бўлмайди. Табиий шароити қулай бўлган жанубий ўлкаларда ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари, неолит даври хусусиятлари мил. авв.ВІІІІ-ВІІІ минг йилликларда, бошқа ҳудудларда эса кечроқ намоён бўлиб, мил.авв. III-II минг йилликларга қадар давом этганлигини кузатиш мумкин.

Неолит даврида тошга ишлов бериш янада такомиллашган ва мукаммал усуллари вужудга келиб, уларнинг тури ва сони янада кўпаяди. Бу асосан кремен-чақмоқтош кўп учрайдиган Евросиёнинг шимоли-ғарбий худудларида кўпроқ намоён бўлади. Кремен кам учрайдиган жанубий ўлкалар, хусусан, Ўрта Осиёнинг айрим худудларида тош қуролларига ишлов беришнинг архаик шакли сақланиб қолади. Жанубий ўлкаларда микролит техникаси такомиллашган бўлса, шимолда тошга ишлов беришнинг сўнгги палеолит давридан маълум бўлган “пластинкасимон” усули сақланиб қолади. Шимолнинг ўрмон даштларида макролит, хусусан тош болталар кенг тарқалади. Ёғоч ва суякларнинг турли Меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар тайёрлашдаги муҳим хом ашё сифатидаги аҳамияти янада ортади.

Сопол буюмларининг пайдо бўлиши неолит даврининг муҳим кашфиётларидан бири бўлиб, бу ихтиро деҳқон жамоалари томонидан қилинган. Дастлабки сопол буюмлари маҳаллий худуд хусусиятларидан келиб чиқиб мато ғолибларда ёки тасмасимон ва арқонсимон усулларда ясалган. Биринчи ҳолатда тупроқ ёки қум солинган мато атрофи лой билан сувалиб ясалганган буюмнинг ички томонида матонинг излари қолган. Иккинчи ҳолатда тасма шаклига келтирилган лой бириктирилиб идиш хосил қилинади. Учинчи ҳолатда арқон шаклига келтирилган лой айлантириб, идиш шакли хосил қилиниб, ички ва ташқи томонларидан силлиқланади. Сопол буюмлари қуритилгандан сўнг сиртига нақшлар берилган ва пиширилган. Неолит даврда сопол буюмларини очик оловда пиширишган. Ўтроқ деҳқон жамоаларининг сопол буюмлар одатда табиий бўёқларда берилган турли нақшлардан иборат бўлган. Шимолий худуд аҳолиси кўп қолларда тасмасимон ва арқонсимон усулда ясалган сопол буюмлари сиртига ўйма ёки чизма нақшлар бериш анъанаси устун бўлган. Кўпинча эшма арқон шаклида ишланган думолоқ тагли сопол буюмлар эрга ботириб қўйиш учун қулай бўлган. Сопол буюмларнинг энг қадимги намуналари Япониядаги мил. авв. IX-ВИИИ минг йилликларга оид ёдгорлик маданий қатламларида учрайди.

Неолит даврида турли ўсимликларнинг пояларидан тўр тўқиш пайдо бўлиб, чучук сувли кўлларга бой бўлган балиқчилик ривожланган ҳудудларда улардан кенг фойдаланилган. ҳайвон жунларидан матолар тайёрлаш, териларни ошлаш ва улардан устки кийим тайёрлаш деҳқон-чарвадор аҳолисининг кўшимча машғулоти саналган.

Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклига ўтиш Евросиёнинг жанубий ўлкаларида иқлим шароити нисбатан анча қулай бўлган минтақаларда, аниқроқи ғарбий Осиё ҳудудида содир бўлиши мумкин эди. ҳозирги пайда ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари эрта қарор топган илк марказлар Яқин ва Ўрта Шарқ ва Кичик Осиёлардан иборат бўлиб, бу ҳудуд археология фани тили билан “серунум яримой ҳудуди”, деб аталади.

Ўрта Осиёнинг неолит даври маданиятлари. Палеонологик маълумотларга кўра мил.авв ВИИИ-ВИИ минг минг йилликлардан “Лавлакон намгарчилиги”, даври бошланган. Бу даврда иссиқ ва намчил иқлим шароити ҳукмрон бўлиб, йиллик ёғингарчилик миқдори 250 дан 450 см. оралиғида бўлган. ҳозирги Қизилқум чўли ҳудудлари кенг япроқли ўрмонзордан ташкил топган бўлиб, кўлларга бой бўлган. Бу эса ўз навбатида ҳайвонат дунёсининг кўпайиши учун қулай шароит яратган.

Копетдагнинг шимолий ёнбағирларида ҳам шунга ўхшаш табиий-иқлим шароити мавжуд бўлиб, ҳозиргига нисбатан анча серсув бўлган. Бу эса деҳқончилик хўжалигини ривожланиши учун қулайлик яратган.

Тоғ тизмасидан оқиб тушаётган дарё ўзанлари бой таркибига эга бўлган тўқайзор бўлган. Мазкур ҳудудлардан аниқланган археологик ёдгорликларнинг жойлашган ўрнига кўра қумлик чегараси ҳозиргига нисбатан анча шимолроқда жойлашган бўлган.

Мил.авв. V минг йилликга келиб иқлим шароити қуриқлашиб боради. Ишлаб чиқарувчи хўжалик нисбатан эрта шаклланган бошқа бир ҳудуд шубҳасиз Ўрта Осиё ҳисобланади. Жанубий Туркменистон ҳудудида мил. авв. ВИИ минг йилликнинг охирларида маҳаллий Шарқий Каспийбўйи мезолит даври маданияти асосида ишлаб чиқарувчи хўжалиги пайдо бўлади. Бу эрда чорвачиликга асосланган Жебел, деҳқончиликга асосланган Жойтун

маданиятлари шаклланади. Бир томондан Туркменистоннинг иссиқ қароратли табиий-географик шароитнинг мавжудлиги мезолит даври маҳаллий аҳолисининг ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтишлари учун асос бўлган бўлса, иккинчи томондан илк деҳқончилик марказларига яқинлиги сабабли уларнинг маълум таъсири мазкур жараённинг тезлашишига таъсирини ўтказган бўлиши мумкин. Жойтун маданиятига оид ёдгорликларнинг қуйи қатламларидан топилган тош қуроллари ишланиш усули мезолит даври Шарқий Каспийбўйи ёдгорликларининг юқори қатламларидан топилган қуроллар билан айнан бир хил. Демак, Шарқий Каспий бўйининг мезолит даври овчилиги негизида чорвачиликга асосланган Жебел маданияти ва термачилиги асосида эса деҳқончиликга асосланган Жойтун маданияти шаклланганлиги шубҳасиз.

Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудлари ва нисбатан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида хўжаликнинг ихтисослашган ўзлаштирувчи шаклига эга бўлган маданиятлар ривожланиб, ушбу хўжалик шакли узоқ муддат сақланиб қолади. Бу ўз навбатида мазкур ҳудудларда табиий шароитнинг қулайлиги ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш учун зарурат қолдирмаганлигидан далолат беради. Мазкур жараён замонавий палеоиклимшунослик фанида тахминан мил.авв. ВИИИ-ИИИ минг йилликларда “Лавлаконт намгарчилиги” номи билан юритилган қулай табиий шароит даврига тўғри келади. Бу даврда Амударёнинг қуйи оқими, Оролбўйи ва Қизилқум ҳудудларида неолит даври териб термачилик ва балиқчилик хўжаликларига асосланган Қалтаминор доирасидаги маданият, Зарафшоннинг ўрта оқимида овчи ва териб термачиликга асосланган Сазагон маданияти, Фарғона водийсида териб термачилик ва балиқчи асосланган неолит даври жамоалари маданияти ривожланиши ва Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий тоғ ва тоғ олди ҳудудларида термачилик ва овчиликга асосланган Ҳисор маданиятларининг ривожланиши кузатилади.

Умуман, неолит даврида инсоният табиатдаги мавжуд бўлган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштиришдан, уларни сунъий равишда ишлаб

чиқаришнинг хўжалиги-деҳқончилик ва чорвачилик шаклларига ўтишади. Бу жараёни англиз археологи В.Г.Чайлд «неолит инқилоби», деб ҳисоблайди. Хўжалик соҳасидаги янги ютуқлар кейинчалик ер юзининг барча худудларига тарқалган.

Сурия-Фаластин неолит даврига оид илк ўтроқ деҳқончилик кишлоғининг ўрни Ўлик денгиздан Шимолда Иордан дарёси водийсида жойлашган Телл ас Султон ёдгорлигида ўз аксини топган. Бу ёдгорлик Библияда келтириб ўтилган қадимги Иерихон шаҳрининг ўрни ҳисобланган. Археологик қазил ишлари натижасида мил. ав. 8-7 минг йилга оид ҳаёт узликсиз икки комплекс Иерихон А, Б комплекслари аниқланган. Манзилгоҳ 4 га иборат бўлиб, тошдан терилган айлана девор билан ўраб олинган.

Қурол мотиға ва ўроқларнинг дасталари деҳқончиликнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек Иерихон А дан бир қаторли арпа ва буғдойларнинг излари қурилиш материалларида сақланган.

Кичик Осиё (мил ав. 8 минг йил охири -7 минг йил бошлари) Хожилар манзилгоҳининг қуйи қатламидан хом ғиштдан қурилган уйларнинг ўрни аниқланган. Уйларнинг поли лойсувоқ қилинган ва деворлари билан биргаликда қизил рангда бўялган. Геометрик шаклда сопол идишлар учрамайди. Идишлар тошдан ясалган. Суякдан бигиз, кремений ва обсидиандан ўроқ учи қадамалари, силлиқланган тош болталар ясалган. Икки қаторли арпа экилган. Шунингдек бир қаторли ёввойи буғдойларни темачлаш ҳам ёрдамчи хўжалик ҳисобланган. Бу ерда ҳам Иерихонликлар каби мурдалардан уйда қўмишган.

Олд Осиёдаги илк деҳқончиликнинг учинчи бир маркази Шимолий Месопотамия ва унга туташ бўлган Шимолий Эроннинг тоғли худлари ҳисобланади. Бу ерда неолит даврида Жармо маданияти (VII-VI минг йилликлар) ёки айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра загрос маданий бирлиги туридаги маданияти ривожланган. Жармо маданиятига тегишли Жармо ёдгорлигидан ташқари Загрос тоғларининг Ироқ қисмида Телшимшара, унинг Эрон қисмида эса Тепаисароб ва Тепаигуранлар мавжуд.

Марказий Осиёнинг жанубий ўлкаларида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг вужудга келиши масаласида ҳам турли ёндошув ва қарашлар мавжуд. Маълумки, Марказий Осиёнинг Жанубий Туркманистондаги неолит даври илк ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига асосланган Жойтун маданиятининг илдизларини айрим ғарблик олимлар Эрон ҳудуди билан боғлашган.

Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида мезолит даврининг охиридаёқ ёввойи ҳайвонлар хонакилиштирилиб, неолит даврида хўжаликнинг чорвачилик шакли вужудга келганлиги археологик жиҳатдан асосланган.

Жанубий Туркманистоннинг иссиқ ҳароратли табиий-географик шароити маҳаллий неолит даври жамоасининг ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг илк шаклига ўтишлари учун асос бўлган. Илк ишлаб чиқариш марказларига ўлканинг яқинлиги ҳам мазкур жараённинг тезлашишида ўзининг ижобий таъсирини ўтказган.

Амударёнинг қуйи оқими, Оролбўйи ва Қизилқум ҳудудларида тахминан мил.авв. VII-III минг йилликларда ҳукмрон бўлган “*Лавлакон намгарчилиги*” даври қулай иқлим шароитида табиий озиқ-овқат захираларининг кўплиги ўзлаштирувчи хўжалик сақланиб қолишига сабаб бўлган. Мазкур ҳудудларда яшаган қабилалар хўжаликнинг овчилик, териб термачилик ва балиқчилик шакллари билан шуғулланишиб, кун кечиришган. Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудлари ва нисбатан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида хўжаликнинг ихтисослашган ўзлаштирувчи шаклига эга бўлган маданиятлар ривожланиб, ушбу хўжалик шакли узоқ муддат сақланиб қолади.

Неолит даврида Жанубий Туркманистон ҳудудида илк ишлаб чиқариш хўжалигига асосланган Жойтун маданияти, Амударёнинг қуйи оқими, Ўзбой ўзани, Сарикамиш кўли атрофи, Оролбўйи ва Қизилқум ҳудудларида ўзлаштирувчи хўжалик шаклларига асосланган *Калтаминор* маданияти, Зарафшоннинг ўрта оқимида овчи ва териб термачиликга асосланган *Сазагон* маданияти, Фарғона водийсида териб термачилик ва балиқчи асосланган неолит даври жамоалари маданияти, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг

жанубий тоғ ва тоғ олди ҳудудларида термачилик ва овчиликга асосланган **Ҳисор** маданиятларини яратган қабилалари яшаганлар.

Жойтун маданияти (мил. авв. VII–VI минг йилликлар) Марказий Осиё ҳудудидаги неолит даврининг илк ўтроқ деҳқончилик маданияти. Бу маданиятга оид археология ёдгорликлари Туркменистоннинг жануби-ғарбий қисмида Копетдаг ва Қорақум чўли оралиғида қадимдан ўтроқ деҳқончилик хўжалигини юритиш учун қулай бўлган иссиқ иқлимли ҳудудларда жойлашган.

Бу маданиятга оид биринчи ўрганилган Жойтун манзилгоҳи Ашгабат шаҳридан 30 км. шимолда кум бархани тепалиги жойлашган бўлиб, кейинчалик Марказий Осиё ҳудудида неолит даврининг машҳур бўлган илк деҳқончилик маданиятининг номланишига асос бўлган ёдгорлик саналади. Бу ёдгорлик дастлаб қисман археолог олим Б.А.Куфтин ва кейин В.М.Массон томонидан тўлиқ очиб ўрганилган. Ҳозирги пайтда Жойтун маданиятига оид ёки неолит даври маданий қатламларига эга бўлган 17 та археология ёдгорликлари қайд қилинган бўлиб, уларда Б.А.Куфтин ва В.М.Массондан ташқари О.К.Бердиев, А.А. Марущенко, О. Лоллекова ва бошқа олимлар ҳам тадқиқот ишларини олиб боришган.

Жебел маданияти Туркменистоннинг жанубий-ғарбида Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида мезолит даври ўзлаштирувчи хўжалик шаклидаги маданиятнинг давомида чорвачиликка асосланган Жебел маданияти вужудга келади. Бу маданият нисбатан яхши ўрганилган Жебел ёдгорлиги номи билан юритилади. Бу ердаги мезолит даврига оид Жебел, Дамдамчашма 1,2, Қайлу, Дефичиғанок ва бошқа ёдгорликларнинг юқори қисмидаги неолит даврига оид маданий қатламлари мил. авв. VII-V минг йилликлар билан саналанган.

Калтаминор маданияти. (мил.авв. VII минг йиллик охири-III минг йилликлар) дастлаб 1939 йили С.П.Толстов томонидан Амударёнинг қуйи оқимидаги қадимги Оқчадарё ўзани ҳудуди Ёнбош ёдгорлигини ўрганиш натижасида мазкур маданият аниқланган.

Мил.авв. VII-III минг йилликлар Марказий Осиёнинг ҳозирги чўл ҳудудларида одамларнинг яшашлари учун жуда қулай табиий-географик

шароити ҳукмрон бўлган. Лавлакони намгарчилиги даврида Қуйи Амударё, Ўзбой ва Сарикамиш ўзанлари билан биргаликда Марказий Қизилқум, қуйи Зарафшон, Сирдарёнинг қуйи оқими ҳудудлари ибтидоий қабилалар яшаганлар. Ушбу ҳудудлардан неолит даври ибтидоий қабилаларининг сал кам икки минга яқин археологик ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг кам сонли қисмида археология тадқиқот ишлари олиб борилган. Марказий Осиёнинг катта ҳудудига ёйилган ибтидоий қабилаларнинг ихтисослашган ўзлаштирувчи хўжалик ва моддий маданиятидаги яқинлик уларни умумий ном билан Калтаминор маданияти мажмуасига бирлаштиради.

Сазағон маданияти (мил.авв. VII-IV минг йилликлар.) Ўрта Зарафшон воҳасида, Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмида, Қоратепа тоғи шимолий ёнбағирлари ҳудудларида мезолит-неолит даврларига оид ибтидоий қабилалар маданияти. Бу маданиятга тегишли дастлабки ёдгорлик Самарқанд шаҳридан 27 км. Жанубда, Сазағонсойнинг юқорисида, Қоратепа массивининг шимолий ёнбағрида 1966 йили археолог олим О.Ибрагимов томонидан аниқланиб, шу йили Д.Н.Лев бошчилигида археологик тадқиқот гуруҳи томонидан текшириш ишлари бошланган.

Ҳисор маданияти (мил.авв. V минг йиллик охири – III/II минг йиллик) Марказий Осиёнинг тоғ ҳудудларида тарқалган неолит даври маданияти. Тожикистоннинг ғарбий тоғ олди ҳудудларида А.П. Окладников ва В.А. Ранов каби археологлар томонидан бу маданиятга оид 100 дан ортиқ маконлар қайд қилинган. Улар қисқа мудатли, мавсумий ва доимий яшаш манзилларидан иборат бўлган. Қисқа мудатли ва мавсумий маконлар тоғ олди ҳудудларида жойлашган жамоа аъзоларининг ов мавсумида яшаган кулбалари ташкил қилган. Доимий яшаш маконлари Кофирнаҳар, Вахш ва уларнинг ирмоқлари водийларида жойлашган.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари фанининг инсон ва жамият тарихи билан узвий боғлиқлиги.
2. Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари ҳақидаги

билимларни қарор топиши.

3. Мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганишни моҳияти ва аҳамияти.

Адабиётлар руйхати

1. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. doc.
2. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси - давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т.2011. pdf
3. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. “YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти. Тошкент. 2008.
4. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.
5. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.
6. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Самарканд. 1993.
7. Mamarahimova V.I. Buyuk ipak yo`li - sivilizatsiyalararo muloqot yo`li. O`quv qo`llanma. T. 2010. pdf.
8. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O`quv qo`llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
9. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.
10. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.
11. Зубов А.А. Становление и первоначальное расселение рода “Номо”. Санкт-Петербург. 2011.
12. Рындина Н.В., Дегтярева А.Д. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие по курсу «Основы археологии». Изд. МГУ.2002.

Электрон манбалар:

13. www.history.ru
14. www.natura.com
15. www.archaeology.ru

2-МАВЗУ: Ўрта Осиёнинг тош ва палеометалл даври археологияси масалалари

РЕЖА:

2.1. Ўрта Осиёнинг тош даври археологияси: янги тадқиқотлар ва хронология масалалари

2.2. Ўрта Осиёнинг палеометалл даври археологияси масалалари: тадқиқотлар кўламининг ўсиши.

Таянч иборалар: энеолит, қурилиш, меъморчилик, ҳунармандчилик, тараққиёт, қулолчилик, металл, бронза, технологик, тараққиёт, шаҳар, давлат, этно-маданий, миграция, урбанизация, давлатчилик.

2.1. Ўрта Осиёнинг энеолит даври маданиятлари муаммолари.

Инсониятнинг қадимги металл даврини ҳамраб олган босқичидан иборат бўлиб, дастлабки мис ва бронзадан фойдалана бошлаган даврлардан иборат. Энеолит (лот. “аенеус” - мис, юн. “литос”-тош) - таржимада мис-тош, деган маънони англатиб, муқобил атама сифатида ҳам ишлатилади. Айрим мамлакатлар илмий адабиётларда бу даврга нисбатан ҳалколит (ҳалко-мис) атамаси ҳам қўлланилади.

Энеолит (мил. авв. VI минг йиллик охири - III минг йилликнинг бошлари) Бу даврнинг катта ютуқи кишиларнинг дастлабки метал билан танишиб, тош қуроллари билан биргаликда мис қуролларидан ҳам фойдалана бошланишидир. Мис қуроллари тош қуролларига нисбатан анча такомиллашган бўлсада, мисдан кучли ва оғир қуроллар ясаб бўлмаган. Шунинг учун мисдан ясалган қуроллар кишилар ижтимоий ҳаётида юқори маъқега эга бўлмади, тош қуроллар ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Бу даврда кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлиб, тўб бурилиш даври ясалишига сабаб бўлади.

Инсоният дастлабки металл - мисдан билан бундан 10 минг йил бурун танишиб, бундай буюк воқеалик жануби-ғарбий Анатолия (Туркия) содир бўлади. Археолог олимлар бу эрдаги неолит даври Чаёню тепеси ёдгорлик ҳаробаларидан олимлар юзлаб мис бўлакчаларини ва кўпгина мис маъдани осколкаси-малаҳитни топиб ўрганилиб, улардан бир қанчаси мунчок сифатида фойдаланилган. Марказий Анатолиянинг жанубида жойлашган мил.ав. В-III минг йилликга оид Ашикли Гуёк манзилгоҳидан кўп сонли мис зеб-зийнат буюмлари топилган. Кичик Осиёнинг Чаталқуёк ва Ҳожилар манзилгоҳларнинг неолит даври маданий қатламлари моддий топилмалари орасида мис ва қалайдан ясалган буюмлар ҳам муҳим ўрин тутади. Шимолий Месопотамиянинг кейинги босқичларга оид Яримтепа II, III ва Телл Мазгалия манзилгоҳларидан мис буюмлари топиб ўрганилган.

Мис соф ҳолда табиатда кам учрайдиган маъдан бўлиб, инсоният самовий метеоритлар таркибида бўлган намуналар орқали танишишган. Кишилар мисга ишлов бериш малакасига эга бўлмаган дастлабки пайтларда гўё тошни ишлаш усули каби муомалада бўлишиб, уни синдиришга ҳаракат қилишган. Умуман, қадимги маъдан - мисдан фойдаланишнинг тўрт босқичда ажралиб туради. Илк босқичда уриб шакл бериш орқали, кейин эса оловда тоблаб шакл бериш кўникмаси эгалланган. Натижада учинчи босқичда эритиш малакаси эгалланиб, рудаларни кенг ўзлаштириш ишлари ривожланади. Бу босқич малакаси аста-секин бронза қуйиш технологиясини ўзлаштириш билан якун топади.

Энеолит даври умумий тавсифи. Энеолит (мил. авв. V-III минг йилликлар) - бу дастлабки метал (юнон. эниус - «мис», литос - лот. «тош») даври бўлиб, мис-тош ва ҳалколит каби атамалалар ҳам қўлланилади. Бу даврнинг муҳим жиҳати дастлабки металлдан кенг фойдалана бошланишидир. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича Жануби-шарқий Анатолияда бундан 9-10 минг йиллар бурун дастлабки мисдан ишланган буюмларнинг намуналари аниқланган. Бу эрдаги Чаёню депеси ёдгорлигининг неолит даври сопол буюмлар пайдо бўлгунга қадар маданий қатламларидаг тош иморатлар ҳаробаларидан юзлаб мис бўлаклари ва бир

неча малахит (таркибида мис минерали бўлган яшил рангли тош) бўлакларини аниқланган. Ушбу топилмаларнинг айримлар мунчоқ сифатида ишланган. Марказий Анатолия худудидаги мил. авв. 8 минг йилликлар билан саналган Ашикли Гуюк ёдгорлигидан ҳам бир қанча мисдан ишланган тақинчоқлар аниқланади. Мис ва кўрғошин Шимолий Месопотамиядаги Яримтепа 1,2 ва Теллмазгалия ёдгорликларидан ҳам аниқланган. Мис буюмларидан Чатал Гуюк топилмалари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ёдгорлик қадимий иморатлари ва ибодатхоналар ҳаробаларидан кўплаб мис ва кўрғошин нушалари аниқланган.

2.2. Бронза даври хусусиятлари ва бронза металлургиясининг технологик тараққиёти.

Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида буюк ўзгаришларга олиб келди. Бу инсониятнинг иқтисодий ҳаётигагина эмас, балки сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясади.

Бронзанинг таркиби мис ва қалай қоришмасидан иборат бўлган. Энг яхши бронзанинг таркибида 90 % мис ва 10 % қалай бўлган. У дастлаб милоддан аввалги III минг йиллик охирларида Месопотамияда (икки дарё оралиғида) кашф этилган. Бронза қуроллар қаттиқ ва уларга ишлов бериш осон бўлганлиги учун мис қуролларни сиқиб чиқарди. Шунингдек бронза мисга нисбатан паст ҳароратда эриган. Мис 1084 градус ҳароратда эриса, бронза 700-900 градусда эриган. Унинг бундай паст ҳароратда эриши, унинг ҳар бир хўжаликда қуроллар яшаш имконини берган. Бу эса меҳнат, жанговор қуролларнинг тури кўпайишига ва самарадорлигининг ошишига олиб келган.

Бронза махсус қалин сопол идиш—тигелларда эритилиб, сопол қошиқлар орқали тош ва сополдан ясалган қолипларга солинган. Бронза қолипларга ёпишиб қолмаслиги учун қолипларга мумиё суртилган ва бронза қолипдан осон ажралган.

Жаҳон тарихида бронза даври милоддан аввалги III минг йиллик охирларидан бошланади. Бу даврда Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик

Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида давлатлар шаклланиб, кулдорлик жамияти кенг равақ топган эди. Ўзбекистон худудида эса бу давр милоддан аввалги II минг йилликнинг I чорагида бошланиб, милоддан аввалги VIII асрларгача давом этади. Шунингдек жамият тараққиёти ҳам ўзига хос тарзда давом этган. Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида деҳқончилик маданияти равақ топиб, илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ўзбекистоннинг жанубий—шарқий ва марказий худудларида, яъни Самарқанд, Фарғона, Қарши воҳаси худудларида илк шаҳар маданияти излари сўнгги бронза даврига келганда вужудга келди. Унгача бу худудларда кўчманчи чорвадорлар маданияти, яъни Андронова ва Тозабоғёб маданиятлари аҳолиси яшаб келган. Ўзбекистоннинг шимолий худудларида чўл ва дашт чорвачилик хўжалиги етакчи ўринни эгаллаган. Зарафшон, Сирдарё ва Амударё этакларида сўнгги бронза ва илк темир даврида чорвадор қабилалар ўтроклашиб, суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар ва улар асосида қишлоқлар ташкил этилади.

Бронза даври хўжалигининг энг катта ютуғи бу деҳқончилик маданиятининг кенг ёйилиши ва унинг чорвачиликдан ажралиб чиқишидир. Бу жараён фанда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимооти деб номланиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг 2 чи ярмида содир бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимооти биринчи навбатда табиий шароит муҳитидан келиб чиқиб ихтисослашди. Ўрта Осиёнинг жанубий ва жануби-ғарбий районлари деҳқончилик маданиятининг ўчоқларига айланди. Унинг чўл ва дашт зоналарида чорвадорлар ва Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, марказий худудларидаги дарё этакларида деҳқончилик маданияти таркиб топа бошлади. Деҳқончиликдан чорвачиликнинг алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқиши қонуний зарурият бўлган.

2.3. Ўрта Осиёда бронза даври урбанизацияси ва давлатчилиги масалалари.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлишида кўплаб ижтимоий-маданий хусусиятдаги омиллар сабаб бўлишига қарамай турли шароитларда у ёки бу

гуруҳ сабаблар нисбатан устунлик қилади. Ундан ташқари илк шаҳар цивилизациясининг муҳим кўринишларидан бири турли шаклдаги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Айнан турли шарт-шароитлар, турли шаклдаги аҳоли пунктлари, кўчманчи аҳоли яшаш ҳудудлари, ўтроқ аҳоли билан улар ўртасидаги чегаравий ҳудудлар-буларнинг барчаси аҳоли ҳудудий районлашувининг (маълум ҳудудларда маълум турмуш тарзи юритган аҳоли жойлашуви) асоси ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган (деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқ.) фаолияти ҳам районлашувни белгилаб беради.

Тадқиқотлар натижаларини илмий-қийосий таҳлил қилиш натижасида Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари ва ўчоқлар районлашувини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

1. I давр-мил. авв. III-II минг йиллик биринчи ярми-Жанубий Туркменистон (Олтинтепа, Намозгоҳ), Юқори Зарафшон (Саразм), Жанубий Ўзбекистон (Сополлитепа);
2. II давр-мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари-Жанубий Туркменистон (Гонур), Жанубий Ўзбекистон (Жарқўтон);
3. III давр-мил. авв. II минг йиллик охири-I минг йилликнинг ўрталари-Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона водийси ва Тошкент воҳаси.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига караганда, мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиёнинг Қизилкум, Қоракум чўлларининг ичкарилари, Помир ҳамда Олой тоғларининг этаклари аҳоли томонидан ўзлаштирилишб борилади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг шимоли ҳамда шимоли-шарқида яшаган аҳоли асосан чорвачилик хўжалиги юритганлар. Бу ҳудудлардан топиб тадқиқ этилган Андронов, Тозабоғёб, Замонбобо, Қайроққум каби ёдгорликлар бронза даври ўзига хос жараёнларидан далолат беради. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида яшаган аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўтиб асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. Бу ҳудудларда аҳолининг Намозгоҳ, Сополли, Дашли, Олтинтепа, Гонур каби ўтроқ деҳқончилик маданиятлари шаклланиб

тараққий этади. Ундан ташқари айнан жанубий ҳудудларда қадимда Бақтрия, Сўғдиёна, Гиркания, Парфия, Ария ва Марғиёна каби тарихий-маданий вилоятлар шаклланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, узок деҳқончилик хўжаликлари юритган аҳоли бронза давридаёқ алоҳида воҳалар яшаб, дарё қуйи ҳавзаларини ўзлаштирганлар. Аҳолининг бундай жойлашув тартиби табиий-шароитлар билан боғлиқ бўлган (мисол учун, сув ресурслари бирмунча чегараланган) Ўрта ва Яқин Шарқ қадимги ҳудудлари учун хосдир.

Сўнгги бронза ва илк темир асри Ўрта Осиё тарихида кескин ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар даври бўлди. Бу давр жамият ҳаётида ибтидоий муносабатлар инкирозга учраб янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожлана бошлайди. Айнан мана шу даврдан бошлаб жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган илк шаҳарларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етиб ривожланиш босқичига ўтади. Кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этган дастлабки цивилизациялар, илк шаҳарсозлик маданияти, давлатлар пайдо бўлиши жараёнлари ўртасида диалектик боғлиқликни дастлабки шаҳар марказлари ўчоқларининг районлашуви жараёнларини таҳлил этганимизда ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти минтақанинг жануби-ғарбида, Копетдоғнинг шимолий тоғ олди текислигида пайдо бўлади. Бу жараёнга иккита муҳим омил-кичик воҳаларда деҳқончилик ривожланиши учун қулай шароит ҳамда дунё тарихида дастлабки деҳқончилик ўчоғлари бўлган Олд Осиё ва Эрон билан қадимий узвий алоқалар асос бўлди. Ўтган асрнинг 60-йилларида олиб борилган тадқиқотлар Копетдоғ тоғ олди текисликларида Қадимги Шарқ кўринишидаги цивилизация ривожланганлиги ҳақида масала кўтарилишига сабаб бўлди. Ўрта Осиёнинг жанубида кенг миқёсда олиб борилган археологик тадқиқотлар, Мурғоб воҳасида очилган мил. авв. II минг йиллик маданияти ва Амударёнинг ўрта оқими маданиятлари ушбу марказларнинг узвий боғлиқдигини кўрсатади.

Бу тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари қадимги Шарқ кўринишидаги юқори даражали маданият соҳиблари бўлган ўтроқ жамоалар томонидан анча илгари ўзлаштирилган.

Аниқланишича, дастлабки деҳқонлар Копетдоғ тоғ олди текислиги худудлари билан чегараланиб қолмасдан энг юқори ривожланиш даражаси жараёнида Мурғобнинг қадимги ҳавзаси худудларини ўзлаштириб, Зарафшоннинг юқори оқими худудларигача борадилар. Бу худудлардан Жанубий Туркманистон сўнгги энеолит даври маданиятига хос Саразм манзилгоҳи ўрганилган. Ушбу кўп сонли ва турли-туман маълумотлар Ўрта Осиё, ҳеч бўлмаганда унинг жанубий вилоятлари бошқа минтақаларда бўлгани каби илк деҳқончиликдан дастлабки цивилизациягача ривожланиш қонуний жараёни бўлиб ўтган қадимги маданият ўчоғи деган фикрларни яна бир марта исботлайди.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўрта Осиёнинг энеолит даври маданиятлари.
2. Бронза даври хусусиятлари ва бронза металлургиясининг технологик тараққиёти.
3. Бронза даври этно-маданий миграциялари.
4. Ўрта Осиёда бронза даври урбанизацияси ва давлатчилиги масалалари.
5. Ўрта Осиёнинг бронза даври маданий марказлари.

Адабиётлар руйхати

1. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. doc.
2. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси - давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т.2011. pdf
3. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. “YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти. Тошкент. 2008.
4. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.
5. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.
6. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Самарканд. 1993.

7. Mamarahimova B.I. Buyuk ipak yo`li - sivilizatsiyalararo muloqot yo`li. O`quv qo`llanma. T. 2010. pdf.
8. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O`quv qo`llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
9. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.
10. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.
11. Зубов А.А. Становление и первоначальное расселение рода “Номо”. Санкт-Петербург. 2011.
12. Рындина Н.В., Дегтярева А.Д. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие по курсу «Основы археологии». Изд. МГУ.2002.

Электрон манбалар:

1. www.history.ru
2. www.natura.com
3. www.archaeology.ru
4. www.archaeology.com

РЕЖА:

- 1.1. Антик даври археологиясининг ўрганишда янгича ёндошувлар ва илмий назариялар
- 1.2. Ўрта Осиёнинг антик даври археологик ёдгорликларини таснифи.

Таянч иборалар: илк темир, антик, тарихий-маданий, этно-маданий, миграция, антик, ихтисослашиш, заргарлик, санъат, ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, торевтика.

3.1. Илк темир даври қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиши.

Ўрта Осиёнинг темир даври тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг камлиги ҳамда тўлиқ эмаслигини эътиборга олиш лозим.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида муҳим ёзма манбалар – “Авесто”, (мил. авв. IX-VIII, VII-VI асрлар), аҳамонийлар даври (мил. авв. VI-V асрлар) ёзма ёдгорликлари ва қадимги юнон тарихшунослари (мил. авв. V-IV асрлар) ҳиқоя қилади. Афсуски, “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Мазкур тўплам миғлодий III-VII асрларда таҳрир қилинган. “Авесто”нинг кейинги бизгача етиб келган қисмлари тўрт китобнигина ўз ичига олади. Ясна (“қурбонлик”, - дуолар ёки қурбонлик келтириш), Яшт (“қадрлаш”, “улуғлаш” - маъбудлар учун мадҳиялар), Видевдат (“девларга қарши қонун”), Виспрат (“барча ҳукмдорлар”). Бу китоблар ёзилган тил “Авесто” туфайлигина маълум бўлиб, авесто тили дейилади.

Кўп қатламли, мураккаб манба ҳисобланган, “Авесто” асрлар давомида шаклланиб борган. “Авесто”нинг энг қадимий қисмларида кенг ҳудудда жойлашган жамият тасвирланган бўлиб, мазкур жамият ҳақида ҳали ёзув мавжуд бўлмаган замонларга оид тасаввурлар сақланган. Ўрта Осиё учун

“Авесто” маълумотлари археологик манбалар билан солиштирилган ҳолда кенг даврий чегара оралиғида - бронза давридан тортиб қадимги дунё - антик давргача бўлган ижтимоий-иқтисодий тарихни ёритишда фойдаланилади.

“Авесто” зардуштийлик дининг мўқаддас китоби бўлиб, у Заратуштра (Зардушт) динидаги халқларнинг шариат қонунлари мажмуидан иборат. Заратуштра (юнонча Зороастр) исми билан аталган зардуштийлик (заратуштризм, зороастризм) Ўрта Осиёда ислом дини жорий этилишидан олдин кенг тарқалган “Авесто”нинг баъзи бир қисмларида Заратуштра “заотара” ёки “атаурвон”, яъни қоҳин тарзида тилга олинади. Зардуштийлик

дини тарихи бўйича етакчи мутахассислар мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратар эканлар, Заратуштра бу диннинг ягона асосчисидир, шунинг билан бирга, у ҳам қоҳин, ҳам зардуштийларнинг пайғамбари эди, деб фараз қиладилар.

“Авесто” Ўрта Осиё вилоятларининг қадимги тарихи, ижтимоий тузуми, иқтисодий ҳаёти ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манбадир. “Авесто”нинг энг қадимги ҳудудий географик номлари Ўрта Осиё вилоятлари билан боғланган (Яшт китоби, 10-боб). Руйхатдаги биринчи мамлакат - “Арёнам Вайчах” ёки “Арешайёна”, “Арёнам Вайжо”. У юртда кўпдан-кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур кўллар мавжуд бўлган. Яшт китобида Иската, Поруту, Моуру, Гава Сўғда (Сўғд макони) ва Хоразм каби бошқа мамлакатлар ҳам тилга олинган.

“Авесто” Видевдат китобининг биринчи бобида санаб ўтилган қуйидаги вилоятлар Яшт китобидаги мамлакатлар рўйхатидан анча фарқ қилади: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайя, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Хайтумант, Рага, Чахро ва Варна.

“Авесто”да Хоразм, Марғиёна, Сўғд, Бақтрия вилоятлари йирик мамлакатлар қаторида тилга олинган. Шунинг билан бирга, Арёнам Вайжони ҳам кенг ўлка сифатида тушуниш мумкин. У ерда баланд тоғлар - Помир, Ҳисор, Тангритоғ, чуқур кўллар - Каспий, Орол, Иссиқкўл, кенг дарёлар - Амударё ва Сирдарё жойлашган деб фараз қилинади.

Маргиёна. Қадимги ёзма манбаларда Моуру, Маргуш ва Маргиана номлари билан тилга олинган Марв воҳасидаги дастлабки ёдгорликлар (Ёзтепа, Аравали тепа, Кўхнатепа ва Учтепа) америкалик тадқиқотчи Р.Пампелли томонидан аниқланган.

Ёзтепа бошқаларига нисбатан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда манзилгоҳнинг 16 га. дан иборат қисми сақланиб қолган. Унинг бир четида 1 га. жойда 8 метр қалинликдаги тағ курси устида кўрғон (арк) жойлашган. Унинг атрофида тарқоқ қурилган уй-жой иморатлари жойлашган бўлиб, муодофаа деворлари билан ўраб олинган.

Шимолий Парфия. Копетдаг билан Қорақум оралиғидаги қадимдан ўзлаштирилган ўтроқ деҳқончилик воҳаларида илк темир даврига оид манзилгоҳлар тарқалган. Уларнинг бир неча турлари ажралиб туради. Йирик ҳажмдаги аркга эга бўлган қадимги шаҳар туридаги манзилгоҳлар. (Елкантепа, Улуғтепа), ўртача ҳажмдаги аркига эга бўлмаган май. 1 га. дан ортиқ бўлган манзилгоҳлар (Ясситепа, Агачлитепа) ва кичик манзилгоҳлар (кичик кишлоқлар май. 1 га. гача) (Крахантепа I,II,III, Елантепа, Овадантепа).

Қадимги Дахистон. Қадимги Дахистон Туркменистоннинг жанубий-ғарбида Каспий денгизининг жануби-шарқий қисмида Мешхед-Мисриан ва Чат текисликларида Гурган, Сумбар, Атрек ва Бенгувона каби кичик дарё воҳаларида жойлашган қадимги тарихий-маданий вилоят. Антик даври ёзма манбаларида келтирилган маълумотларга кўра бу ўлка Гиркания, деб номланган. Археология маълумотларга асосан бу ўлка мил. авв. II минг йилликнинг охирларидан бошлаб ўзлаштирила бошланган. Бу ерни ўзлаштирган аҳоли тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра гирканларнинг аجدодлари бўлган. Бу ерда 20 дан ортиқ ёдгорликлар ўрганилган.

Шимолий Бактрия. Қадимги Бактрия тўғрисидаги дастлабки маълумотлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестонинг Ведевдат қисмида Бахди, қадимги форс манбаларида Бақтриш ва юнон-форс муаллифлари асарларида Бактрия номлари билан келтирилган қадимий ўлка шимолда Сўғд билан Ҳисор тоғ тизмалари, жанубда эса Ҳиндикуш тоғлари билан чегараланган. Ғарбда чагараси Амударё оқими бўйлаб Мурғоб

ваҳасигача шарқда эса Помир тоғ тизимларигача бўлган ерларни ишғол қилган. Қадимги Бактриянинг чегараси Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг жануби ҳамда Афғонистоннинг шимолий ҳудудига тўғри келади.

Бактриянинг бу даврдаги манзилгоҳларининг тузилиши ва ҳажмига кўра қуйидаги шакллари ажралиб туради. Йирик шаҳар марказини ташкил этган манзилгоҳлар. Улар одатда икки ёки уч қисмдан иборат бўлиб, мудофаа тизимига эга бўлган манзилгоҳлар (Қизилтепа,) ташқи мудофаа тизимига эга бўлган майдон 5-10 га. жойни ташкил этувчи манзилгоҳлар (Талашкон I, Бандихон II) мудофаа тизимига эга бўлган кичик ҳажмидаги алоҳида вазифаларни бажарувчи манзилгоҳлар (Тиллатепа, Кучуктепа). Бу манзилгоҳлар Бактриянинг ҳар иккала қисмидаги алоҳида жойлашган микро воҳаларда жойлашган.

Сўғд. Сўғд ҳудудида илк темир даврининг бошларида ўтроқ деҳқончилик маданияти қарор топган. Ўлканинг илк темир даврига оид ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари дастлаб Самарқанд ва Қашқадарё воҳалари шаклланган. Бу ерлардаги Афросиёб, Кўктепа, Узунқир, Подаётқ, Сангиртепа ва Ерқўрғон ёдгорликларининг қуйи қатламлари дастлабки аҳоли томонидан ўзлаштирилган ва кейинги тараққиёт босқичларида улар мураккаблашиб борган. Улар бошқаларига нисбатан археологик жиҳатдан яхши ўрганилган ёдгорликлар ҳисобланади.

Фарғона водийсининг илк темир даври Чуст маданияти. Фарғона водийси Марказий Осиёнинг йирик тарихий-маданий вилоятларидан бири ҳисобланади. У Сирдарёнинг юқори оқими ҳудудида жойлашган бўлиб, жанубдан Олой ва Туркистон, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ ҳамда шимол томондан Чотқол-Қурама тоғлари билан ўраб олинган. Бу ҳудуд чорвачилик ва ўтроқ деҳқончилик хўжаликларининг шаклланиши учун жуда қулай бўлган табиий-географик шароитга эга бўлган жиҳатдан.

Чустликларда бронзага ишлов бериш, улардан меҳнат қурол-яроғлар тайёрлаш яхши ривожланган. Далварзинтепа ёдгорлигидан мил. авв. IX

асрга оид темир буюм намунаси топиб ўрганилган. Тошлардан меҳнат куруллари ясаш ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Дехқончиликда арпа, буғдой ва бошқа дуккакли ўсимликлар етиштирганлар. Бу ерда деҳқончилик суғоришга асосланмаган. Чорвачиликда қорамол, қўй, эчки боққанлар. Дарё ва кўл бўйларида яшаган халқлар балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Эйлатон маданияти. Чуст маданиятининг давоми сифатида Фарғона водийсида Эйлатон маданияти (мил. авв. VII-IV асрлар) ривожланади. Эйлатон маданиятига доир ёдгорликлар Фарғона водийсининг деярли барча ҳудудларига тарқалиб, археологик жиҳатдан қайд этилган. Эйлатон даврида мудофаа деворлари тузилиши ўзгаради. Манзилгоҳлар аниқ тузилишга, яъни тўғри тўртбурчак шаклини олади. Тўғри тўртбурчак буржлар пайдо бўлади. Манзилгоҳнинг майдони 200 гектардан иборат бўлиб, Қорадарё бўйида жойлашган. Икки қатор мудофаа девори билан ўраб олинган, деворлар квадрат шакли буржлар билан кучайтирилган. Манзилгоҳ ички (20 га.) ва ташқи қисмларидан ташкил топган.

Тошкент воҳасида Бургулик маданияти. Тошкент воҳасининг илк темир даври моддий маданияти Бургулик маданияти мисолида яхши ўрганилган. Бу маданиятга оид дастлабки моддий топилмалар 1940 йили А.И.Тереножкин томонидан Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида Бургуликсой ёқасидан топиб ўрганилган. Ҳозиргача бу маданиятга оид 20 дан ортиқ манзилгоҳлар ва 50 га яқин уй-жойлар маълум. Бу маданиятнинг даври А.И.Тереножкиндан кейин дастлаб Х.Дуке томонидан ўз илмий тадқиқотлари натижаларига асосида мил. авв. IX-VII асрлар доирасида белгиланган.

Уструшона. Уструшона Марказий Осиёнинг муҳим тарихий маданий вилояти бири. Бу ўлка бўлган Уструшона ўлкаси Фарғонадан жанубий-ғарб Сўғд ва Чоч оралиғида жойлашган бўлиб, илк ўрта асрлар даври ёзма манба маълумотларида Уструшона номи билан юритилган. У Туркистон тоғ тизимидан шимолда Хўжанддан Жиззахгача бўлган ҳудудлардаги ерларни ишғол этади. Ўлкада мил.авв. VII-VI асрларда дастлабки ўтроқ деҳқончилик

манзилгоҳлари шаклланади. Манзилгоҳлардан қадимгиси ва нисбатан йириги Нуртепа ҳисобланади. Унинг умумий майдони 18 га. дан иборат бўлиб, арк ва шахристон қисмларидан ташкил топган.

Қадимги кўчманчилар. Чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи қабилалар Авестода турлар, юнон тарихчиларининг асарларида скифлар ва массагетлар аҳамонийлар даври ёзувларида эса улар саклар номи билан келтирилган.

Марказий Осиёнинг дашт ва тоғли ҳудудларида яшаган сакларнинг ёдгорликлари Қуйи Зарафшон, Амударё, Орол бўйи, Помир ва Тянь-шань тоғларида топилган. Улар асосан қабр қўрғонлардан иборат. Топилмалар бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Сакларнинг қабр-қўрғонларидан от анжомлари учрайди. Геродотнинг маълумотларига кўра сакларнинг хўжалигида йилқичилик асосий ўрин тутган.

Кўчманчиларнинг уйлари ертўла ва чайласимон шаклда бўлган. Улар чорва изидан доимо кўчиб юрганликлари туфайли доимий ўтроқ ҳаёт улар учун муҳим ўрин ўйнамаган. Кўчманчи сак қабилаларининг қабр қўрғонларидаги моддий топилмаларга кўра уларга мулкӣ тенгсизлик мавжуд бўлган. Лекин уларда қачон синфий жамият пайдо бўлганлиги ноаниқ. Олимларнинг фикрига кўра, мил. авв. VII-VI асрларда кўчманчилар орасида ҳарбий-сиёсий қабила уюшмалари мавжуд бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги **Хоразм** ҳудуди ўрта Амударё оқимидан бошланиб Орол денгизигача жойлашган ерларни ўз ичига олган, **Бактрия** ерлари – бу Афғонистоннинг шимоли-шарқи, Жанубий Тожикистон, Сурхондарё вилояти ҳисобланган.

Бактрия ҳудудий чегаралари: жанубда – Ҳиндиқуш тизмаси, шимолда – Ҳисор тоғлари, шарқда – Помир, ғарбда – Амударёнинг ўрта оқими ҳисобланади.

Сўғдиёна – ҳозирги Қашқадарё, ва Зарафшон воҳаларидир. Сўғдиёнининг географик чегаралари: ғарбда Бухоро воҳасидан шарқда Ҳисор

тоғлари бўйлаб, жанубда Қашқадарё ва Кўхитоғ оралиғида, шимолда эса, Нурота тизмаларига бориб тақалган.

Марғиёна – Туркменистон жанубидаги Мурғоб воҳаси, **Парфия** – Туркменистоннинг жануби-ғарби, Эронинг шимоли-шарқи. Ўрта Осиё ўтроқ вилоятларининг қўшни ерларида кўчманчи сак-массагет қабилалари яшаган (Помир, Тангритоғ, Жанубий Қозоғистон, Тошкент, Сирдарё вилояти, қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё, Сирдарё ҳамда Орол денгизи атрофлари).

Иқтисод ва ижтимоий тузум. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида Афросиёб, Узунқир, Қизилтепа, Кўктепа, Ерқўрғон каби дастлабки шаҳарлар марказлари равақ топган. Ушбу шаҳарларда бинокорлик, ҳунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган.

Сурхондарёдаги Қизилтепа қадимги шаҳар маркази атрофида тўртбурчак шаклида қурилган қадимий уй- қўрғонлар қолдиқлари топилган (Қизилчатеп). Улар паҳса деворлар билан ўралган ва хом ғиштлардан қурилган уй-жой, хўжалик хоналари, ошхоналардан ҳамда ички ҳовлидан иборат. Паҳса деворлар билан мустақамланган ташқи қисмда эса подахона бўлган.

3.2. Ўрта Осиё ҳудудида вужудга келган қадимги подшоликлар масаласи.

Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида ривож топган илк давлатларни — подшоликлар ташкил қилган. Юнон тарихшунослари асарларида Бақтрия подшоси Оксиарт ва Хоразм подшоси Фарасмон ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ушбу давлатлар бир неча вилоятларни бирлаштирган, шунинг учун ҳам мил. авв. VII-VI аср давлатчилиги тизимида марказий ва маҳаллий бошқарув хос бўлган. Мисол учун, Бақтрия подшосининг қароргоҳи давлат пойтахти Бақтра шаҳрида жойлашган, вилоят ва туманларни маҳаллий ҳокимлар бошқариб турган. Аммо ёзма манбаларда ана шу даврнинг сарой унвонлари ва ҳарбий-маъмурий мансаблари ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Мил. авв. 540-330 йилларда Ўрта Осиё **Ахамонийлар** давлати таркибига кирган. Бу давлатнинг бошқарув шакли **чекланмаган подшо ҳокимияти (мутлак. монархия)** - дан иборат эди. Олий ҳукмдор ахамонийлар сулоласининг вакили бўлган (Кир II - мил. авв. 558-530 и, Камбиз 530-525 й., Дуро I - 522-486 й. ва бошқалар). Дуро давлатни **“хшатра” — “вилоят”** тушунчасидан келиб чиққан **“сатрапликлар”** деб номланган алоҳида маъмурий ўлкаларга тақсимлади. Мил. авв. 518 йилга келиб, ахамонийлар Ҳинд водийсидан Ўрта ер денгизигача бўлган худудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

Геродот Ўрта Осиё халқлари ҳақида бундай хабар қилади: **“Бақтрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 360 талант солиқ тўлаганлар. Бу – ўн иккинчи ўлка. (Бир талант 25, 92 кг. кумушдир).**

Саклар ва каспийлар 250 талант тўлаганлар. Бу – ўн биринчи ўлка. Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу – ўн олтинчи ўлка”.

Сатрапликларда бошқарув тизими. Ҳар бир маъмурий ўлка ҳокими (қадимги форс тилида - **“хшатрапа- на”**, юнонча - **“сатрап”**) ахамонийлар подшоси фармонига кўра тайинланган.

Масалан, Бақтрияни идора қилган сатраплар Ахамонийлар сулоласи вакиллари (мил.авв.522 йилдан бошлаб, мил.авв. 423 йилгача қадимги форс подшоларининг ўғиллари ва ака-укалари) бўлган.

Сатрап ўз ўлкасида вилоят, туман ҳокимлари ва қишлоқ оқсоқолларига таянган ҳолда бошқарувни амалга оширган. Унинг вазифалари сатрапликнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий юришлар пайтида ўлкадан марказга қўшинлар юбориш, йиллик солиқларни белгиланган турларда ва миқдорда йиғиб олиб, марказий давлат ғазнасига етказиб беришдан иборат бўлган.

Сатрапликларнинг бошқарув ташкилотига турли мансаб ва лавозимлар мавжуд эди (девонхона бошлиғи, хазинабон, солиқ йиғувчи, суд ишларини юритувчи, хаттот-котиб, хўжалик ишлари бошлиғи). Сатрапларнинг фаолиятини назорат қилувчи шахс - **“подшонинг кўзлари ва қулоқлари”** -

айғоқчи, қадимги форс битикларида “таушака” деб аталган. У сатрапдан мустақил бўлиб, сатрапликларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва айнан сатрап фаолияти аҳволи ҳақида подшога маълумот етказиб турган.

Ўрта Осиё сатрапликлари муайян миқдорда белгиланган кумуш солиқлардан ташқари қишлоқ хўжалик, чорва ва хунармандчилик маҳсулотлари шаклида ҳам ўлпон тўлашга мажбур эдилар.

Эрондаги қадимги Персепол шаҳридаги Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларидаги бўртма расмларда турли халқларнинг ўлпон келтириш манзараси тасвирланган. Бу расмлар қадимги Шарқ халқларининг ўзига хос қуроллари, кийим бошлари ва қиёфасини кўрсатиб туради. Сўғдийлар етти кишидан иборат бўлиб, подшога идишлар, газмол, номаълум ҳайвон териси ва икки қўйни етаклаб келаётган ҳолатда тасвирланган. Саклар узун чўққили қалпоқларда тасвирланиб, кийим-кечакларни кўтариб, отни етаклаб бормоқдалар. Бактрияликларнинг беш вакилининг идишларни ва туяни олиб бораётган, хоразмликларнинг дудама ханжар, ҳарбий болта, билагузук ва отни олиб келаётган ҳолатлари тасвирланган.

Бу расмларда Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм ва саклар ўлкасидан бўлган солиқ тўловчиларнинг аҳамонийлар подшосига турли хил буюмлар (кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик ҳарбий қуроллар), қадимги Шарқда машҳур бўлган от ва туяларни олиб келаётган ҳолатлари тасвирланган. Ундан ташқари қадимги форс ёзувларига кўра, Ўрта Осиё вилоятларидан Эронга олтин ва қимматбаҳо тошлар — ложувард (лаъл), фируза олиб келинган.

Солиқ йиғилиши қишлоқ оқсоқоллари, туман ва вилоят ҳокимлари зиммасига тушган. Солиқлар сатраплар саройи ғазна омборхоналарида тўпланган. Сатрап ўлка миқёсидаги солиқларнинг йиғиб олиниши жараёнини назорат қилган. Сарой хазиначиси ва ҳисобчилари туман ва вилоятлардан етказиб берилган солиқлар турлари ва миқдори асосида иқтисодий-молиявий ҳисоботлар тайёрлаганлар. Ушбу маълумотлар марказий давлат солиқ ташкилоти томонидан режалаштирилган муддатда, махсус алоқа тизими хизматчилари – чопарлар орқали форс подшоси қароргоҳига жўнатилган.

Сатрапликлар хазинасидан маълум миқдорда айнан сатрапнинг хонадонлари, мансабдорлар ва ҳарбийлар маош сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган (ун, чорва, ёғ, сабзавот, шароб, пиво ва бошқалар).

Забт этилган ҳудудларни идора қилиш мақсадида, подшо буйруқларини жойларга ўз вақтида етказиш ва сатрапликлардан турли маълумотларни тезкор олиш учун, аҳамонийлар давлатида махсус алоқа хизмати ташкил қилинган эди.

Ўрта ер денгизи буйидаги Кичик Осиёда Эфес шаҳридан бошланган “Шоҳ йўли” қадимги Форс давлати пойтахтларидан бири - Суза билан боғланган (масофаси 2470 км). Ушбу йўлнинг шарқий тармоқлари Бақтрия орқали Сўғдиёна ва Ҳиндистонгача давом этган.

“Шоҳ йўли”да хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбий истехкомлар ва махсус масканлар қошида озиқ-овқат омборхоналари барпо этилган эди. Ҳар бир 30 км масофада чопарлар учун дам олиш ва отларни алмаштиришга имкон яратилган. Хизмат сафарида давлат ишларини амалга оширувчи мансабдорлар (ҳисобчилар, ҳарбийлар, текшириш ва назорат хизмати вакиллари) ушбу йулда жойлашган омборхоналардан озуқа билан таъминланган.

Қадимги юнон тарихшуноси Ктесийнинг хабарига кўра, Бақтрия шаҳридан давлат пойтахти Сузага отланган амалдор ўз хизмат сафари даврида ҳар куни 1-1,5 кг ун, 1 литр шароб ёки пиво ҳамда маълум миқдорда гўшт билан бепул таъминланган.

4-МАВЗУ: Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида археология соҳасида хориж билан илмий ҳамкорлик масаласи

РЕЖА:

- 1.1. Ўзбекистон археологияси ривожланишининг янги босқичи.
- 1.2. Ўзбекистон археологиясининг хориж билан илмий ҳамкорлиги: замонавий тадқиқотлар ва натижалар.

Таянч иборалар: мустақиллик, археология, халқаро шартнома, топилиши, натижа, янги илмий маълумотлар.

Мустақиллик йилларида ниҳоятда фаоллашган тадқиқотлар кўлами ва уларнинг илмий самараси туфайли, Ўзбекистон археологияси дунё илм-фани даражасига кўтарилди. Бундай натижа эса ўз навбатида, Ўзбекистон археологияси учун дунёдаги етакчи археология марказлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатишга, тенг ҳуқуқли асосда халқаро шартномалар тузишга замин яратди. Айни пайтда, Ўзбекистон ҳудудида - Австралия, АҚШ, Хитой, Германия, Италия, Польша, Россия, Франция, Япония каби давлатларнинг археолог олимлари билан ҳамкорликда, халқаро миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида маҳаллий ҳамда халқаро экспедициялар томонидан юртимизнинг қадимги даври тарихига оид янги археологик ва палеоантропологик материаллар кўлга киритилди. Хусусан, Фергантроп одами қолдиқларининг топилиши ва тадқиқ этилиши натижасида Марказий Осиёнинг одамзод томонидан ўзлаштирилиши тарихи 1,5 миллион йилга қадимийлашди. Обираҳмат одами қолдиқларининг топилиши натижасида, Ўзбекистон ҳозирги вақтда илк замонавий одамлар (*Homo sapiens sapiens*) шаклланган ҳудуд сифатида эъти- роф этилмоқда. Обираҳмат ғорида олиб борилган тадқиқотлар маданий қатламларнинг аниқ кетма-кетлигини қайд этди. Бу ерда аниқланган гоминид қолдиқлари Ўзбекистон ҳудудида

неандерталларнинг *Homo sapiens* томон эволюциясини кузатишда муҳим топилма бўлиб хизмат қилади.

Кўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ палеолит манзилгоҳларини ўрганилиши жараёнида замонавий усуллар ёрдамида топилмаларнинг аниқ техник-типологик классификацияси ишлаб чиқилди, тошга ишлов беришнинг технологик ва типологик индекслари қайд этилди. Тош қуролларнинг янги турлари аниқланди. Илк маротаба Ўзбекистон палеолитшунослигида хом ашёнинг тошга ишлов бериш техникаси ривождаги ўрни аниқланди. Фарғона водийси, Қизилқум ва Зарафшон воҳасида сўнгги палеолит даврига оид янги ёдгорликларни аниқланиши бу ҳудудларда қадимги давр тарихидаги “оқ доғларни” йўқолишига олиб келди. Қизилқум неолит отряди томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида палеолит ва неолит даврига оид янги ёдгорликлар аниқланди. Хусусан, Оёқакетма неолит даври ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотларда Калтаминор маданиятида ёввойи ҳайвонларни хонакилаштирилиши борасидаги янги маълумотлар қўлга киритилди. Бу эса Қизилқум неолит жамоалари, нафақат овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганликларини, балки чорвадор ҳам бўлганликларини кўрсатади. Шу билан бирга, Калтаминор маданиятини 3 минг йилга қадимийлаштирувчи маълумотлар ҳам қўлга киритилди.

Деҳқончилик, хунармандчилик ва маданиятнинг ривожланиши ҳамда илк шаҳар ва давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши асосида Турон цивилизациясининг энеолит-илк темир даврида шаклланиши ва юксалиши жараёнлари ўрганилди.

Бронза даврининг илк босқичлари борасидаги асосий материаллар Ўзбекистон жанубида - Жарқўтон, Бўстон ёдгорликларидан олинди. Хусусан, Жарқўтон протошаҳар ва илк давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўзида акс эттирувчи ёдгорлик ҳисобланади.

Самарқанд Суғдида, Челак шаҳри яқинидаги Кўктепа ёдгорлигида зардўштийлик ибодатхонаси, сарой ва мудофаа тизимларининг қисман очилиши қадимги шаҳарнинг ички тузилиши борасидаги маълумотларни қўлга киритиш имконини берди. Афросиёб ёдгорлигида олиб борилган

қазишмалар жараёнида эса шаҳарнинг тарихини 2750 йилга қадимийлаштирувчи маълумотлар қўлга киритилди, жанубий Суғдда аниқланган янги археологик материаллар асосида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ёши 2700 йилга тенг эканлиги аниқланди ва бу саналар ҳалқаро миқёсда нишонланди.

Археологик қазишмалар Эски Термиздаги буддавийлик маркази Қоратепада ҳам давом эттирилди. Маълум бўлишича, Термита-Термиз Кушонлар даврида Ўрта Осиёда буддавийликнинг йирик маркази бўлган. Бу ердан топилган бадий маданият ва ёзув намуналари Бактрия буддавийлик маданиятини ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатди.

Мингтепа ёдгорлигида (Андижон вилояти) олиб борилган тадқиқотлар эса бу ерда илк темир даврига оид маданий қатламлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, бу ерда 150-160 га майдонни ўраб олган ташки мудофаа девори қолдиқлари ҳам аниқланди. Мудофаа деворлари тўртбурчак кўринишдаги шинаклар билан таъминланган миноралар орқали мустаҳкамланган. Қўлга киритилган материаллар асосида ички шаҳарни бурчакларидаги миноралар икки қаватли қилиб қурилганлиги асосланди. Шу билан бирга бу ерда илк бор антроморф ва зооморф элементлари туширилган қизил ангоб берилган сопол идишлар қолдиқлари топилди. Ушбу маълумотлар Б. Матбобоевнинг фикрича, Мингтепани пойтахт мақомига эга шаҳар эканлигини (Хитой манбаларида Эрши) кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида кенг миқёсда олиб борилган археологик тадқиқотлар кўплаб қадимги ва ўрта асрларга оид шаҳар ва қишлоқларни ўрганилишига имкон яратди. Жумладан, шаҳарларнинг функцияси, уларнинг морфологияси ва атрофдаги қишлоқлар ҳамда дашт аҳолиси билан алоқалари ҳар томонлама ўрганилди. Натижада, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида V-XIII аср бошларига оид шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши кузатилди. Чоч (Тошкент), Фарғона, Уструшона, Суғд ва Тоҳаристон ўрта аср шаҳарларининг тарихий топографияси ва ривожланиш босқичларига доир маълумотлар тўлдирилди. Ўзбекистоннинг қадимги меъморларининг шаҳарсозлик борасидаги ечимлари, қадимги ва ўрта аср

шаҳарларидаги ривожланиш структураси анъана- вийлиги аниқланди. Буларнинг барчаси ўрта аср шаҳарларининг ички ҳаёти, хунармандчилик, савдо-сотиқ, ижтимоий муносабатлар борасидаги тамоман янги маълумотлар- ни қўлга киритиш ва шу орқали алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларини кузатиш имконини берди.

Самарқанд вилоятидаги Кофирқалъа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида Сугднинг илк ўрта асрлар сиёсий тарихи, маъмурий бошқаруви, ҳуқуқий амалиёти ва ташқи алоқалари борасида муҳим тарихий манба-кўп сонли буллалар қўлга китилди. Буллалар - муҳр изи ёки ёзув туширилган, цилиндр ёки айлана кўринишда бўлиб, лойдан ясалган. Буллалар орқали ҳужжатлар (шартнома, хат, билди- ришномалар) ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланган ёки муҳрланган. Товуслар ушлаб турган ҳолатда тахтда ўтирган Будда (Амиабхи ёки Авалокитешвар) тасвири, Рим худоси Янусга ўхшаш икки юзли маъбуд тасвири акс эттирилган буллалар ўзига хос, ўта ноёб ҳисобланади. Айрим буллалардаги тасвир- ларнинг илдизи эллин маданиятига бориб тақалса, айримлари- да эса маҳаллий қаҳрамонлар тасвири акс эттирилган.

Иқтисодий ўсиш талаблари, маданий ривожланиш ва ирригация тармоқларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, турли даврларда аҳоли турар-жойларининг пайдо бўлиши, халқларнинг кўчиши жараёни босқичлари кузатилди. Шу билан бирга, Тошкентдаги Харашкент, Бухоро воҳасидаги Пойкент ва Марказий Фарғонанинг йирик пойтахт шаҳарларининг инқирози сабаблари аниқланди.

Ҳозирги Марғилон шаҳри ҳудудида олиб борилган қазишмалар натижасида, 20 га қамраб олган қадимги шаҳар ўрни аниқланди. Қўлга киритилган натижалар асосида ЮНЕСКО ҳомийлигида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

Шимолий Фарғона ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган археологик материаллар ва ёзма манбалар таҳлили асосида қадимги Фарғонанинг пойтахти - "Фарғана" ("Юань") Эски Ахси (Ахсикет) ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган хулосага келинди.

Бухоро Суғдида жойлашган йирик ёдгорликларидан бири Пойкентда археологик қазишмалар давом эттирилмоқда. Буюк Ипак йўлида жойлашган ва шарқда Хитой билан савдо алоқаларини олиб борган, Қора денгизда денгиз факториялари- га эгалик қилган Пойкент ёзма манбаларда Би князлиги, “савдогарлар шаҳри” сифатида қайд этилган. Археологик қазишмалар жараёнида арқда зардўштийлик ибодатхонаси, жо- меъ масжиди ва минораси, ҳукмдор саройи, хазина, қурол- аслаҳа сақланадиган жой ва мудофаа девори бўйлаб жойлаш- ган казармалар қолдиқлари очилди. Биринчи ва иккинчи шаҳристонда монументал фортификация тизими, турар жой- лар мажмуаси, темирчилар устахоналари, нонвойхоналар, та- библар қабулхоналари жойлашган кўчалар ҳамда 4500 га яқин ноёб Суғд мис тангалари қўлга киритилди.

Бухоро воҳасида олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотлардан яна бири Кампирдевор номи билан машҳур воҳа деворини тадқиқ этиш ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида, деворнинг 300 км.га чўзилганлиги ва 15 рустоқ- туманни қамраб олганлиги аниқланди. Девор ҳар 8-10 км масофада минора, қальалар, дарвозалар ва уларнинг ёнида карвонларни на- зорат қиладиган божхоналар билан мустаҳкамланган. Воҳа де- ворининг илк қурилиши V асрга оид бўлиб, у воҳани кўчманчилардан ҳимоя қилиш учун хизмат қилган.

Шоштепада аниқланган эрамиздан аввалги II асрларга оид хочсимон шаклдаги архитектура қолдиқлари - қадимги Тошкент ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлишини намоён этади.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида IX- XII ва ўтмишда Уструшона мамлакатининг шимолий-ғарбий ва ғарбий сарҳадлари ҳисобланган Жиззах воҳасининг энг қадимги шаҳар марказларидан бири Қалиятпанинг арк, шаҳристон, рабод қисмларида мунтазам қазув тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, қадимги Жиззах шаҳри ўрни Қалиятепада мил. авв. III-II асрларда шаклланганлиги исботланди.

Республика ҳудудининг антропоген ўзлаштирилиш ва ривожланиш динамикасини ўрганишда Ўзбекистон археология ёдгорликларини тизимлаштириш борасида асосий вазифа ар- хеологик ёдгорликларни

сақланишини давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратини амалга ошириш мақсадида юқори замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда хариталарини тузиш, расмга олиш, йиғма топилмалар ва ёзма манбалар асосида идентификация қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифалар ёдгорлик-ларни тизимлашган маълумотлар базасини яратиш, уларнинг сақланиши ва муҳофазасини амалга ошириш билан бирга, шаҳар ва қишлоқлар тарихий топографияси, ҳалқларнинг миграцияси бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда антропоген ландшафтнинг шаклланиши, кенгайиши, баъзида эса экология ва табиий муҳит таъсирида ўзгариш билан боғлиқ (шаҳар, қишлоқ, аҳоли пунктларининг шаклланиши, ривожланиши, инқирози ва х.к.) янги илмий маълумотлар қўлга киритиш имконини беради.

Ўзбек археологиясининг ҳозирги кундаги бош илмий йўналиши ва мақсади мамлакатимиз ҳудудида шаклланган кўҳна маданиятлар тарихининг ўнлаб қирраларини тинимсиз тадқиқ қилиш, Ўзбекистон мустақиллиги берган чексиз имкониятлар шарофати билан бу ҳудудда яшаётган миллатлар ва элатларнинг ота мерос, илмий, маданий бойлиги бўлган қадимий тарихнинг ҳаққоний манзарасини қайта, холис яратиш йўлидаги тинимсиз изланишлардан иборатдир.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўрта Осиёнинг илк темир ва антик даврлари археологияси муаммолари.
2. Ўрта Осиёнинг илк темир даври археологияси этно-маданий миграциялар.
3. Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги давлатларнинг шаклланиш муаммолари.
4. Ўрта Осиёнинг антик даври маданий-тарихий вилоятларнинг йирик шаҳар марказлари. Сирдарё ҳавзаси ўтроқ деҳқонлари ва чорвадор қабилалари.

Адабиётлар руйхати

1. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. doc.
2. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси - давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т.2011. pdf
3. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. “YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти. Тошкент. 2008.
4. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.
5. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.
6. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Самарканд. 1993.
7. Mamarahimova V.I. Buyuk ipak yo`li - sivilizatsiyalararo muloqot yo`li. O`quv qo`llanma. T. 2010. pdf.
8. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O`quv qo`llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
9. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.
10. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.
11. Зубов А.А. Становление и первоначальное расселение рода “Номо”. Санкт-Петербург. 2011.
12. Рындина Н.В., Дегтярева А.Д. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие по курсу «Основы археологии». Изд. МГУ.2002.

Электрон манбалар:

5. www.history.ru
6. www.natura.com
7. www.archaeology.ru
8. www.archaeology.com

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг тош ва палеометалл даври жамоаларининг турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, хўжалик иқтисодий асослари, маънавий кечинмалари, маданий алоқаси ва маданиятлар генезиси (2 соат).

2-амалий машғулот. Ўрта Осиё илк темир даври ёдгорликларининг умумий таснифи. Асосий ёдгорликлар ва уларнинг моддий маданияти (2 соат).

3-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг антик даври археологиясининг замонавий ўрганиш босқичи. Асосий ёдгорликлар. Тадқиқотлар натижалари ва муаммолар (2 соат).

4-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср археологиясини ўрганишнинг асосий масалалари: натижалар – ютуқлар – муаммолар (2 соат).

5-амалий машғулот. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври асосий ёдгорликлари. Уларнинг умумий таснифи. Янги тадқиқотлар. Халқаро туризм муаммоларида музейификация масалалари. (2 соат).

6-амалий машғулот. Хориж билан илмий ҳамкорлик масаласининг замонавий босқичи: натижалар – ютуқлар – муаммолар – муҳофаза масалалари. Археология соҳасида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган янги қонунлар ва қарорлар (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. GIS тарихи ва унинг археология соҳасида қўлланилиши
2. Гис ёки Гат тушунчасига таъриф
3. GIS соҳасида қўлланилаётган дастурлар
4. Хариталар турлари ва улар ҳақида маълумот
5. Археологияда топографик хариталарнинг қўлланилиши
6. Гис ёрдамида археологик ёдгорликлар харитасини тузиш
7. Arc GIS ва унинг таркибий қисмлари
8. Координаталар тизими ҳақида маълумот
9. Arc GIS дастурида хариталарни координаталар тизими билан боғлаш.
10. Arc GIS дастурида чизиқли, майдонли ва нуқтали объектлар яратиш.
11. Arc GIS дастурида символлар яратиш ва улар устида ишлаш
12. Атрибут жадваллар яратиш ва улар устида ишлаш
13. Археологик ёдгорликлар харитасини яратиш ва чоп этиш

14. Маълумотлар жадвали ҳақида тушунча.
15. Arc GIS дастурида маълумотлар жадвалини яратиш.
16. Маълумотлар жадвалида устунлар ва қаторларда ёдгорликлар ҳақида киритилган маълумотлар.
17. Arc GIS ва Excel. Excelда яратилган маълумотларни Arc GIS дастурига юклаш.
18. Археологияда замонавий ахборот тизимлари.
19. Археологик тадқиқотларда ГИС тизимини қўллашдан асосий мақсад
20. Ватанимиз ва Хорижий мамлакатлар ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотларда ГИС тизимининг қўлланилиши

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс-стади.

Кейс 1. Археология атамасига ким асос солган. Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Археология атамасига таъриф. У қандай маънони англатади. Археология атамасини ким муомалага киритган.

- Археологиянинг фан ситида шаклланиши сабабларини келтиринг.

2-кейс-стади.

Кейс 2. Ер шарида хаётнинг пайдо бўлиши ва илк ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши шарт-шароитлари

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Ерда хаёт қандай пайдо бўлган. Ер шари тарихи хақида маълумот келтиринг

- Одамзоднинг хайвонот дунёсидан одамзод дунёсига қадам қўйишига сабаб бўлган омилларни изохланг

3-кейс-стади.

Кейс 3. Дастлабки гоминидларнинг пайдо бўлиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Гоминидлар атамасига таъриф беринг. У қандай маънони англатади

- Ер юзиде топилган дастлабки палеантропологик топилмалар хақида маълумот келтиринг ва қиёсий тахлил қилинг

4-кейс-стади.

Кейс 4. Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилади. ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка худудидаги дастлабки ибтидоий аждодларимизга оид топилмалар ва уларнинг тахлилини келтиринг.

- Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилиши сабабларини келтиринг

5-кейс-стади.

Кейс 5. Нима сабабдан дастлабки аждодларимиз Африкадан Яқин ва Ўрта Шарқ худудида орқали ер юзининг бошқа худудларига миграция қилишган ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка худудида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ палеолит даври иқлим, шарт-шароитлари ҳақида маълумот келтиринг ва уларнинг таҳлил қилинг.

- Яқин ва Ўрта Шарқ худудидаги энг қадимги тош даври ёдгорликлари ва топилмалари

6-кейс-стади.

Кейс 6. Нима сабабдан дастлабки археологик тадқиқотлар Европа хууддида ўтказилган кўпгина археологик даврлар Европа худудид билан боғлиқ сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Европада ўтказилган дастлабки археологик изланишлар уларнинг таҳлилини келтиринг.

- Европа худудидан ҳозирги замон типидagi одамнинг дастлабки топилмаларинг қайд этилиши ва Хомо Сапиенс муаммоси.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Terminology	Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Археология	Archaeology	Археология	Архайос-қадимги ва логос-фан деган маънони англатади
Антикварий	Antiquitates	Антикварий	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.
Қадимиёт	Antiquaries	Древность	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Olduvai, Ashel, Mousterian and Upper Paleolithic	Олдувей, Ашел, мустье и поздний палеолит	Палеолит даври босқичлари.
Клэктон маданияти	Clactonian	Клэктонская культура	мил авв. 550-475 минг йилликларда Европанинг қуйи палеолит даври маданияти
Ўввойилик,	Savagery,	Дикарство,	Шотландиялик

варварлик ва цивилизация	barbarism and civilization	варварство и цивилизация	файласуф А. Фергюсон инсоният тарихини урта даврга ажратиб кўрсатган
Неолит, бронза ва илк темир даврлари	Neolithic, Bronze and early Iron Age	Неолит, бронза и РЖВ	Археологик даврлар хисобланади.
Плейстоцэн	Pleistocene	Плейстоцэн	(юнончада <i>πλεῖστος</i>) бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб 11,7 минг йил аввал тугаган геологик даврлардан бири.
Тўртламчи давр ёки антропоген даври	Quaternary period, or anthropogenic	Червертичный период или антропоген	Бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб хозирга қадар давом этмоқда.
Петрография	Petrography	Петрография	Бу геология фани бўлиб, у тоғ жинсларни ҳар томонлама ўрганеди.
Геохронология	Geochronology	Геохронология	Ернинг ёшени йиллар билан ифодалаб бериш
Архей эраси	Archaea	Архей	Геологик даврлардан бири бўлиб, Бу эрада ерда хали хайвон организмлари кам ва ўсимлик организмлари бўлмаган
Кайнозой эраси	Cainozoe	Кайнозой	Учламчи ва тўртламчи даврлардан иборат.

Тўртламчи давр	Quaternary period	Червертичный период	Яъни инсоният пайдо бўлган давр антропоген даври деб ҳам юритилади.
Плейстоцен	Pleistocene	Плейстоцен	Буюк музликлар мавжуд бўлган давр ҳисобланади
Питекантроп	Pithecantrope	Питекантроп	археология фанида <i>Homo erectus</i> деб юритилади ва 1981 йилда голландиялик олим Э.Дюбуа томоиндан Индонезиянинг Ява оролидан топилган.
Австралопитекус афаренсис	Australopithecus afarensis	Австралопитекус афаренсис	бундан 4-2,5 миллион йил аввал Шарқий Африкада истиқомат этган.
Олдувей	Olduvai	Олдувей	Африка худудида аниқланган дастлабки тош даври маданияти.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидий аждодимиз.
Номо ва унга тегишли дастлабки тошқуроллар	Homo and his early work tool	Номо и его ранние орудие труда	2.5 миллион йил аввал Шарқий Африка худудида пайдо бўлади.
Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Homo ergaster—Homo erectus	Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Ибтидий аждодларимизнинг Африкадан Евроосиёга дастлабки миграциясини

			бошлаб берган
Селунгур	Selengur	Селунгур	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Кулбулоқ ёдгорлиги	Kulbulyak	Кулбуляк	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Қадимги тош асри	Paleolith	Палеолит	Қадимги тош даври.
Зинжантроп	Zinjanthropus	Зинжантроп	Танзаниянинг Зинжи қишлоғидан топилган одам..
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	(юнонча “ <i>pitekos</i> ” – маймун, “ <i>antropos</i> ” – одам) Индонезиянинг Ява оролидан топилган энг ыадимги одам.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидий аждодимиз.
Хитой одами	Sinanthropus	Синантроп	Хитой одами.
Хомо Хабилис	“Homo habilis”	Хомо Хабилис	“ишбилармон одам”.
Хомо Эректус	Homo erectus	Хомо Эректус	тўғри тик юрувчи одам
Антропология	Anthropology	Антропология	Одамни ўрганувчи фан
Ўрта Шарқ атамаси	Near East	Ближний Восток	-(инглиз тилида Middle East) Британиянинг Ҳиндистон ишлари бўйича қўмитаси томонидан 1850 йилда қўлланилган.
Эль-Маслук ёдгорлиги	Monument El Masluk	Памятник Эль- Маслук	1969 йилда Колумбия университети

			археологлари томонидан Ливаннинг шимолий қисмида топиб ўрганилган.
Убейдия	Ubaid	Убейдия	(плейстоцен даври археологик ёдгорлиги ҳисобланади
Табун ғори	Tabun Cave	Пещера Табун	Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган археологик ёдгорлик.
Кебара ғори	Cave Kebara	Пещера Кебара	ўрта тош даврига оид бўлиб, Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган. Бундан 60- 48 минг аввал ушбу ғор макони аجدодларимиз томонидан ўзлаштирилган
Схул ғор макони	Cave Es Skhul	Пещера Схул	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Кафзех	Monument Kafzeh	Памятник Кафзех	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Дарраи -Кур	Darraai -Kur	Дарраи -Кур	Афғонистон худудида жойлашган тош даври ёдгорлиги.
Ашел	Ashell	Ашел	палеолит даврининг илк

			босқичи
Мустье	Moustier	Мустье	палеолит даврининг ўрта босқичи
Ориньяк, Солютре ва Мадлен	Aurignacian, Solutrean and Madeleine	Ориньяк, Солютре и Мадлен	Франция худудида жойлашган палеолит даври ёдгорлиги
Неандертал одами	Neanderthal	Неандертальский человек	илк бора Германиянинг Фелдгофер ғоридан топилган.
Тейжа	Teyzha	Тейжа	(Франция) яқинидаги ғордан топилган суякка ишланган
Ибтидий санъат	Prehistoric art	Первобытное искусство	п археологик даврлардан бири юқори палеолит даврида вужудга келган
Ласко	Lasko	Ласко	Францияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор макон ёдгорлиги
Алтамир	Altamir	Алтамир	Испанияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор макон ёдгорлиги

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011.
2. Archives terminology – select terms. Prepared by M. Hadly and M. Gourlir for the ASA Archives Institute, 2006.
3. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
4. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010ю.204.
5. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
6. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
7. Jhon Ridener. From Polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. USA, 2007.
8. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
9. Mamarahimova B.I. Buyuk ipak yo`li - sivilizatsiyalararo muloqot yo`li. O`quv qo`llanma. T. 2010. pdf.
10. Millar, Laura. Appraising and Acquiring Archives. In Archives: Principles and Practices, 115-143. New York: Neal-Schuman, 2010.
11. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O`quv qo`llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
12. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
13. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. –

14. Белкин В.В. Основы геологии. Учебное пособие. Пермь-Березники. 2008. pdf.

15. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

16. Богданов И.И. Палеоэкология. Учебное пособие. М. Изд. «ФЛИНТА». 2011.

17. Гулобод Кудратуллох кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

18. Деревянко А.П. Петрин, В.Т. Таймагамбетов Ж.К. Феномен микроиндустриальных комплексов Евразии Археология этнография и антропология Евразии. М., 2000.

19. Древние памятники Синьцзяна/ Межконтинентальное издательство Китая, 2016.

20. Зубов А.А. Становление и первоначальное расселение рода “Номо”. Санкт-Петербург. 2011.

21. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

23. Индия и Центральная Азия (до Исламского периода). Ташкент, 2000.

24. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. Ташкент: НУУз, 2012.

25. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

26. Карапетьянц И.В, Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 2007. 230 с.

27. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. “YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти. Тошкент. 2008.

28. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.

29. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

30. Общая палеоэкология с основами экологии. Учебное пособие. Под редакцией Г. Н. Киселева. Издание третье, дополненное. Санкт - Петербург. 2005.

31. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

32. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства и культуры Центральной

Азии Ташкент, 2005.

33. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси - давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т.2011. pdf

34. Рындина Н.В., Дегтярева А.Д. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие по курсу «Основы археологии». Изд. МГУ.2002.

35. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.

36. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.

37. Сарианиди В.И., Маргуш. Древневосточное царство в стройдельте реки Мургаб. Ашгабад. 2002.

38. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. doc.

39. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

40. Хорхордина Т.И., Прозорова В.Б., Мазин К.А. Всеобщая история архивов. Часть 1. М.: РГГУ, 2019.

41. Цеменкова С.И. История архивов России с древнейших времен до начала XX века. Учебное пособие. Екатеринбург: Изд-во Уральск. ун-та, 2015.

42. Чистяков А.А., Макарова Н.В., Макаров В.И. Четвертичная геология. Учебник. М. Изд. «ГЕОС».2000. Djvu.

43. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.

IV. Интернет сайтлар

44. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

45. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

46. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

47. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

48. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

49. [https:// www.history.ru](https://www.history.ru)

50. [https:// www.natura.com](https://www.natura.com)

51. [https:// www.archaeology.ru](https://www.archaeology.ru)

52. <https://www.archaeology.com>

1.